БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 294 (17.874). • 26 декабрь 1980 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ—КПСС XXVI СЪЕЗДИГА

БЕШ ЙИЛЛИККА—ЗАРБДОР ЯКУН!



А. А. ГРОМИКО МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 24 декабрь куни Софиядан Москвага қайтиб келди. Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси А. Я. Пельше, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

ВАТАНПАРВАРЛИК МАКТАБИ

25 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон ДОСААФ Марказий Комитетининг IX пленуми бўлиб ўтди. Пленум меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни такомиллаштириш, ёшларни армия сафида хизмат қилишга тайёрлашни яхшилаш, спортнинг техникавий, ҳарбий — амалий турларини янада ривожлантириш, тарбиявий ишлар сифатини ошириш масалаларини муҳокама этди. Ўзбекистон ДОСААФ Марказий Комитетининг раиси генерал-майор А. М. Ҳожибоев доклад қилди.

(ЎзТАГ).

САМАРҚАНДДА КЎРГАЗМА

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ташкил этган «Меҳнат муҳофазаси-80» кўчма тематик кўргазмаси Самарқандда ўз экспозициясини намойиш қилмоқда.

Кўргазма экспонатлари меҳнаткаш инсон тўғрисида, унинг меҳнат шароитларини яхшилаш ҳақида Коммунистик партия ва Совет давлати жуда катта ғамхўрлик қилаётганлиги тўғрисида, саноат корхоналари, қурилишлар, қишлоқ хўжалигида, олимлар лабораторияларида сермеҳнат жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш юзасидан амалга оширилаётган улкан ишлар ҳақида ҳикоя қилади.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ КОРХОНА

Республикамиз пойтахти Тошкентнинг Юнусобод массивида янги тўқимачилик фабрикаси ишга тушди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг мустақил корхоналаридан бири бўлган бу фабрикада ҳозир 190 дан ортиқ замонавий дастгоҳлар ишлаб турибди. Яқин вақт ичида корхона қуввати уч баравар ошиб, ишчи-хизматчилар сони ҳам икки ҳисса кўпаяди. Суратларда: корхона тўқув цехи участкаларидан бирининг умумий кўриниши; илғор ўровчи Г. Умарова.

Г. Пун фотолари. (ЎзТАГ).

ВАТАН ОЛМАЛИҚ МЕТАЛЛИНИ КУТМОҚДА

Партия—хўжалик активи йиғилишидан

ОЛМАЛИҚ (Тошкент области), 25 декабрь. (ЎзТАГ мухбири). Бугун бу ерда шаҳар партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари Олмалиқ партия ва хўжалик ташкилотларининг В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг барқарор ишлашини таъминлаш ва уни реконструкция қилишни жадаллаштириш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар.

Докладчи — Тошкент область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский, йиғилишда сўзга чиққан Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори М. Р. Рамазонов, «Алмаликсвинецстрой» трестининг бошқарувчиси Р. Х. Қўлдошев, «Промтехмонтаж» бошқармасининг бригадири Ф. Ф. Шайдуллин, «Алмаликградострой» партия ташкилотининг секретари Л. И. Тюрина, «Джизакцветметстрой» трестининг бош инженери В. И. Вютитнов, СССР рангли металлургия министрининг биринчи ўринбосари В. В. Бородай Олмалиқ кончилари ва металлургларга, қурувчилари ва монтажчилари КПСС XXV съезди қарорларини бажаришга салмоқли ҳисса қўшганликларини, ўнинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажараётганликларини қайд этдилар. Бу — КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати кун сайин қилаётган ғамхўрлиги ва бераётган катта ёрдамнинг натижасидир. Конметаллургия комбинатини реконструкция қилиш, уни техника билан қайта қуроллантириш, Ватанга мис, рух, кўргошин, кадмий, бошқа маҳсулотлар бераётган шаҳарнинг барча ишлаб чиқариш коллективларини социал жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш соҳасида катта ишлар бошлаб юборилди.

Ҳозиргача кўп иш қилинди. Бир қанча саноат объектлари, шу жумладан мис ва кўргошин, рух рудаси казиб чиқарадиган қувватлар, концентратни қайта ишлайдиган цехлар, бойитиш фабрикасининг янги корпуслари, ремонт корхоналари ишга туширилди. Бу йил ўжой биноларини қуриб битказиш бўлтурги даражадан икки баравар ортди. Корхоналарнинг партия ташкилотлари, Тошкент ва Жиззах область партия комитетлари ҳузурида тузилган қурилиш штаблари металлургларга, кончилар ва қурувчиларнинг мусобақасини ташкил этиш, реконструкция ишларида қатнашаётган барча коллективларнинг куч-ғайратларини, мувофиқлаштириш соҳасида катта иш қилмоқдалар.

Шу билан бирга шаҳар партия ташкилотининг конметаллургия ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш ва янги объектларни тезроқ ишга туширишга доир ишида жиддий камчиликлар борлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Комбинатда маҳсулотнинг баъзи турларини ишлаб чиқариш камайди, пландаги бир қанча топшириқлар бажарилмай қолмоқда. Технология интизоми жиддий равишда бузилаётганлиги, конструкция ва бойитиш техникаси бекор туриб қолаётганлиги бунинг асосий сабабидир. Корхонада меҳнат унумдорлиги суст ривожланмоқда, кадрларнинг кўнимсизлиги ҳали ҳам кўп.

Комбинатнинг стабил ишлаши, ишлаб чиқариш суръатларини ошириш янги конларнинг руласини қайта ишлашга нисбатан тез жалб этишга, транспорт хўжалиги нисбатан самарали ривожланишига, кон-транспорт, майдалаш, металлургия асбоб-ускуналарини ремонт қилиш ва ишлатиш қандай боришига боғлиқдир. Бу масалалар доимо шаҳар партия комитетининг, комбинат партия ташкилотининг, корхона раҳбарларининг диққат-марказида туриши керак.

Капитал қурилишни яхшилаш соҳасида ҳам ҳамма иш қилинди, деб бўлмайди. Йиғилишда тугалланмаган ишларнинг ҳажми катталигини кўрсатувчи рақамлар айтиб берилди, комбинатнинг бир қанча муҳим объектларидаги қолоқлик фактлари кўрсатиб ўтилди. Уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилишида сустқашлик қилаётган «Алмаликградострой» трести танқид қилинди. Республика Қурилиш министрлиги билан Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ўзларининг Олмаликдаги бўлинмалари ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашлари, уларни кадрлар билан таъминлаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари лозим. Кон-металлургия комбинатининг раҳбарлари асбоб-ускуна ва бутлаш буюмларини ўз вақтида етказиб беришни йўлга қўйишлари, лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифатини яхшилашга эришишлари зарур.

Янги беш йилликда Олмалиқ коммунистлари, барча меҳнаткашлари олдида катта вазифалар турибди. Ҳозир умумхалқ муҳокамасига қўйилган партия XXVI съездига КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида бундай дейилади: «Олмалиқ конметаллургия комбинатида мис ишлаб чиқарувчи ва кўргошин-рух рудаси қазиб чиқарувчи қувватлар... ривожлантирилсин». Бунинг учун энг янги технология жараёнларини ва юксак самарали машина-ускуналарни жорий этиш, қарийб ярим миллиард сўмлик капитал маблағни ўзлаштириш лозимлигини йиғилиш қатнашчилари таъкидлаб ўтдилар. Ишларнинг мана шу мисли-сиз ҳажмини муваффақиятли уддалаш учун юксак уюшқоқлик ва интизом, барча ижрочиларнинг ҳамжиҳатлик билан аниқ ҳаракат қилишлари зарур бўлади. КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорлари, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги нутқида баён этилган қоида ва хулосалар ишга айни мана шундай ёндашишни талаб этади.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари Олмалиқ кон-металлургия комбинатини қуриш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришни жадаллаштиришга қаратилган тадбирларни бир овоздан тасдиқладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусаховов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Ўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, А. Р. Хўжаев, СССР қурилиш министрининг ўринбосари А. П. Парфенков, СССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрининг ўринбосари В. П. Брюнин иштирок этдилар.

Ўзбекистон саноатининг рапорти

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажара бориб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан аввал, 26 декабрь куни бажардилар.

Нефть ва кўмир қазиб олиш, трактор сеялкалари, пахта териш машиналари, пайпоқ, сутга айлантириб ҳисоблаганда қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик планининг ошириб бажарилиши кутилмоқда.

(ЎзТАГ).

АГРОНОМЛАРНИНГ ЮКСАК БУРЧИ ВА ВАЗИФАСИ

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Бутуниттифоқ агрономия кенгаши қатнашчилари номига йўллаган табрикномасидаги самимий сўзларни кенгаш қатнашчилари зўр миннатдорчилик туйғуси билан кутиб олдилар. Леонид Ильичнинг аграр ишлаб чиқариш мутахассислари олдига қўйган вазифалари деҳқончилик проблемаларининг чуқурлиги ва актуаллигини белгилаб берди. Бу проблемалар агрономларнинг 24 декабрь куни Москвада ўз ишини тамомлаган мўътабар анжуманида муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари табрикномасидаги сўзлар кенгаш иштирокчиларининг нутқларида қизғин маъқулланди. Мутахассислар армиясининг намояндалари юксак ишончни оқлаш, ернинг ҳосилдорлигини муттасил оширишни ва унинг сақланишини, ҳосилнинг кўпайишини, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришни таъминлаш учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишга ваъда бердилар.

Масалан, Белоруссия хўжаликлари донли экинлар ҳосилдорлигини қисқа муддатда икки ҳисса оширдилар, бошқа маҳсулотлар ҳосилини кўпайтирдилар. Бунга кўп жиҳатдан ер ва унинг ҳосилдорлиги тўғрисида яхшироқ ғамхўрлик қилина бошлаганлиги туфайли эришилди. Гродно областидаги «Прогресс» колхози раиси А. И. Дубко кенгашда дала ҳосилдорлигининг самарали агрономия хизматини тақдиқил этиш тажрибасини ўртоқлашди.

КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари С. Ф. Медунов деҳқончилик маданиятини ошириш проблемаларига тўхталди, жумладан, у далаларнинг тозалиги учун умумжуқбанъ юриши ташкил этилганини гапириб берди. Ўн йил муқаддам бегона ўтлар ҳосилга катта зарар етказган бўлса, энди экинлар яйраб ўсмоқда. Арманистон ССР Арарат районидаги «Двин» совхозининг бош агрономи С. Алексанян ўз нутқини тоғлар орасидаги бориш қиёйин бўлган ерларни ўзлаштириб, экинзорларга айлантириш масаласига бағишлади.

Ерларни мелиорациялашни асримиз резерви деб атайдилар. Экинзорларнинг захини қочириш ва ерларга сув чиқариш суръатлари жиҳатидан дунёдаги ҳеч бир давлат бизнинг мамлакатимизга тенг кела олмайди. Кенгашда сўзга чиққан СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Ф. Васильев КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленумидан кейин мамлакатда обод этилган ерлар майдони икки баравар кўпайиб, ҳозир 35 миллион гектарга етганини маълум қилди.

Ўш область Сузоқ районидаги «Коммунизм» колхозининг бош агрономи Г. И. Макаров интенсивлашнинг мана шу таркибий қисми ҳақидаги муҳимлиги ва юксак самарадорлиги тўғрисида гапирди.

Кенгашда дон хўжалигини ривожлантиришга ва ем-хашак етиштиришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Амур областидаги «Пограничний» совхозининг директори И. И. Багров ўз нутқини пичанзор ва ўтзорларни яхшилаш, озуқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш масалаларига, дуккакли дон экинларининг аҳамияти ошиб бораётганлигига бағишлади.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади. Кенгаш аҳли уни самимий қутиб олди.

Партия Марказий Комитети, деди у, Бутуниттифоқ агрономия кенгашига катта аҳамият бермоқда.

Кенгаш бутун мамлакатимиз КПСС XXVI съездига тайёргарлик кўраётган бир пайтда ўтказилаётганлиги ҳам, унда қатнашаётган кишиларнинг состави ҳам, бу ерда муҳокама қилинаётган актуал проблемалар ҳам мана шундан далолат беради.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг самимий ва чуқур мазмунли табрикномаси кенгашимиз ишига алоҳида ишчанлик руҳини бахш этди. Унинг доно маслаҳатлари ва тилаклари қишлоқ хўжалигидаги ҳамма ишларни янада кучайтиришга ва даражасини оширишга кўмаклашади.

Агрономларнинг мана шундай мўътабар анжумани чақирилиши, Леонид Ильичнинг табрикномаси КПСС Марказий Комитетининг мутахассислар тўғрисидаги, деҳқончилигимизни янада ривожлантириш ҳақидаги ғамхўрлигини яққол ифодалаб турибди. Партия қишлоқ кадрлари билан ишлашни ўз аграр сиёсатининг таркибий қисми деб ҳисоблайди, мутахассисларни қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашдаги ишончли, малакали таянч деб билади.

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми мамлакатнинг бундан буёнги иқтисодий ва социал ривожланиш истиқболларини белгилаш учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқида экономикани интенсивлаш, хўжалик иши, партиянинг ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти масалалари юзасидан жуда муҳим принципиал қоидалар ва кўрсатмалар белгилаб берилган.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, қишлоқ хўжалигининг мамлакат турмушидаги, жамият социал тараққиётидаги, совет кишилари фаровонлигини оширишдаги ролини яна зўр куч билан таъкидлаб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь ойи бошларида эълон қилинган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси партия билан халқ олдига янги катта миқёслаги вазифаларни кўйди ва назарий жиҳатдан асослаб берди. Лойиҳа КПСС XXIV ва XXV съездлари ишлаб чиққан иқтисодий стратегияни изчиллик билан амалга оширишга қаратилган бўлиб, партия сиёсий йўлининг зарур даражадаги давомийлигини таъминлайди, ривожланган социализм имкониятларидан янада тўла-тўкис фойдаланишга кўмаклашади.

Партия коммунистик қурилиш проблемаларини ҳал этиш чоғида аграр сиёсат масалаларини доимо диққат марказида тутмоқда, қишлоқ хўжалигини планли равишда узлуксиз ривожлантириш, уни экономиканинг юксак даражада ривожланган секторига айлантириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқда. Кейинги уч беш йиллик мобайнида жуда катта иш қилинди. Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси, фонд билан таъминланиши жиҳатидан ҳам, маҳсулот етиштириш жиҳатидан ҳам янада юқори даражага кўтарилди. Асосий озиқ-овқат маҳсулотларини жон бошига истеъмол қилиш кўпайди. Қишлоқ турмушининг социал проблемаларини ҳал этишга қаратилган бир қанча йирик тадбирлар амалга оширилди.

Ғарчи қишлоқ хўжалиги соҳасида бир талай иш қилинган ва қилинаётган бўлса ҳам, бу тармоқни ривожлантиришнинг кўпгина проблемалари бор. Биз ҳали шаҳарларни ва саноат марказларини баъзи маҳсулотлар, айниқса гўшт билан таъминлашда қийинчиликларга дуч келяпмиз. Бу ҳол қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини анча кўпайтиришни таъминлашимиз лозим, деди сўнгра Ўртоқ Горбачев. Дон хўжалиги бутун қишлоқ хўжалиги экономикасини стабиллаштирувчи омилдир.

Ем-хашак етиштириш агрономлар ишининг дон хўжалиги сингари муҳим бир соҳасидир. Барча колхоз ва совхозлардаги чорва моллар сифатли пичан, сенаж, силос ва илдиз мевалар билан етарли равишда таъминланиши учун зарур бўлган ҳамма ишни қилиш керак.

Ҳозирги замон деҳқончилиги илм-фаннинг энг янги ютуқларига, агрономнинг, механизаторнинг юксак маҳоратига, янги технологияларга, ишнинг юксак сифатига тобора кўпроқ асосланмоқда. Агрономия ишининг янги, янада юксак даражаси ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги босқичига мос бўлиши керак. Шу муносабат билан ҳар бир агрономнинг, бутун агрономия хизматининг ролини ва ҳосил учун масъулиятини ошириш масаласи пайдо бўлмоқда.

Кейинги вақтларда баъзи ходимлар об-ҳаво шароитларини жуда кўп важ қиладиган бўлиб қолдилар. Бу важларни батамом бир чеккага суриб қўйиб бўлмайди, албатта, аммо агроном об-ҳавонинг қули бўлиши мумкин эмас. Шу ўринда Леонид Ильич Брежневнинг об-ҳаво ўз йўлига, иш ўз йўлига деган доно сўзларини яна эсламай бўладими, ахир. Агроном — деҳқончиликнинг бош технологидир. Унинг фаолиятида об-ҳаводан ноилож эмас, балки собиқадамлик билан актив ишлаш, тупроқ унумдорлигини оширишга ва ҳосилни кўпайтиришга қаратилган энг самарали амалий тадбирлар ва усулларни қидириб топиш биринчи ўринда туриши керак. Ватанимиз агрономларининг бутун ажойиб тарихи, унинг ўтмишдаги ва ҳозирги энг яхши намояндалари тажрибаси бизга мана шуни яқол кўрсатиб турибди.

Қишлоқда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда мутахассисларнинг илм-фан билан алоқасини кучайтириш, унинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жонқуярлик билан жорий этиш биринчи даражали роль ўйнайди. Мамлакатнинг кўпгина илмий муассасалари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга агрономлар билан мустаҳкам ҳамдўстликда катта ҳисса қўшмоқдалар. Шу билан бирга бир қанча жуда муҳим проблемалар юзасидан қолоқлик содир бўлаётганини қайд этмасдан ўтиб бўлмайди. Тадқиқотлар ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан ажратилган ҳолда олиб борилаётганини кўрсатувчи бир талай фактлар бор.

М. С. Горбачев қишлоқ хўжалиги имкониятларидан самарали фойдаланиш қишлоқнинг социал проблемаларини ҳал этиш билан жуда бевосита боғлиқ эканлигига кенгаш қатнашчиларнинг эътиборини алоҳида қаратди. Бу соҳада катта иш қилинган бўлса ҳам, ҳали янада кўпроқ иш қилиниши лозим.

Пировардида нотиқ бундай деди: ҳозир дала ва фермалар ходимларининг ишлари кўп. Бироқ кўкламги экишга ҳозирлик кўриш — ва чиқтириб бўлмайдиган энг муҳим ишдир. Қишлоқ меҳнатчилари чорва қишловини ўтказишга зўр эътибор билан қарашлари керак.

М. С. Горбачев ушбу кенгаш қатнашчилари, қишлоқ хўжалигининг барча ходимлари мамлакатда мустаҳкам озиқ-овқат фондини вужудга келтириш соҳасидаги вазифаларни амалга оширишда устида актив ишлайдилар, КПСС XXVI съездини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб оладилар, деб ишонч билдирди.

Кенгаш қатнашчилари, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига, Ўртоқ Л. И. Брежневга юборилган мактуб текстини якдиллик билан қабул қилдилар. Улар мамлакат қишлоқ хўжалигининг мутахассислари, барча меҳнаткашлари номидан партия аграр сиёсатини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун бутун кучлари, билимлари ва тажрибаларини ишга солишга ваъда бердилар.

(ТАСС).

МЕҲНАТ РАПОРТЛАРИ

Тошкент областидаги саноат корхоналарининг меҳнатчилари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, 1980 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларда кўзда тутилганидек, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан йиллик планни муддатидан барвақт, 25 декабрь куни бажардилар. Йил охиригача планга қўшимча равишда қарийб 100 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Тошкент, Олмалиқ, Ангрен шаҳарларининг, шунингдек Оққўрғон, Бўстонлиқ, Калинин ва Тошкент районларининг саноати ана шу кўрсаткичларга эришишга катта ҳисса қўшди.

* * *

Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулот реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1980 йилги давлат планини муддатидан олдин, 25 декабрь куни бажардилар.

Меҳнат коллективлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»ни муҳокама қилиш даврида ўнинчи беш йиллик план ва мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1980 йил планини муддатидан барвақт, 20 декабрь куни бажардилар.

Йиллик пландан ташқари 12 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.

* * *

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш, иш ва хизмат кўрсатишнинг умумий ҳажмни юзасидан 1980 йил планини муддатидан илгари, 23 декабрь куни бажардилар. Йил охиригача пландан ташқари камида 8,6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

куни бажарилди. Топшириққа қўшимча равишда 225 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши тўққизинчи беш йиллиқдагига нисбатан 135,2 процентни ташкил этди.

* * *

Сурхондарё областидаги саноат корхоналарининг коллективлари партия XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1980 йил планини муддатидан барвақт, 20 декабрь куни бажардилар.

Йиллик пландан ташқари 12 миллиондан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.

* * *

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш, иш ва хизмат кўрсатишнинг умумий ҳажмни юзасидан 1980 йил планини муддатидан илгари, 23 декабрь куни бажардилар. Йил охиригача пландан ташқари камида 8,6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

ЭНГ ЯХШИ ТАЖРИБАЛАР—ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИККА!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
МУСОБАҚА МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ
1980 йил декабрь №12(81)

МАЖБУРИЯТЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БАЖАРЯПСИЗ?

ЯКУНЛОВЧИ ОЙ ДАЪВАТИ

Шонли йилимизнинг якунловчи эйи охирлаб бормоқда. Декабрь ойи ўн биринчи беш йиллиннинг зарбдор вахтасига меҳнат эстафетасини топширади. Партиямизнинг XXV съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасида улкан меҳнат зафарлари қўлга киритилмоқдаки, буни республикамиз саноати ва қурилиш ташкилотларининг ўн бир ойлик иш якунларидан ҳам аниқ билиб олиш мумкин.

Республикамиз саноат тармоқлари ва бинокорлик ташкилотлари коллективларининг ўнинчи беш йиллик ва якунловчи йил топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун кураш мусобақасида қўлга киритган меҳнат зафарлари илғор коллективларнинг қимматли тажрибаларини кенг қўлланишнинг пировард натижаси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Илғорлар тажрибаси ва тўпланган энг яхши иш усуллари олға қараб боришимизни яна ҳам тезлаштирувчи муҳим омилдир. Илғор меҳнат коллективлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиб, 1981 йил учун тиғиз мўлжал планлар ва мажбуриятлар қабул қилмоқдалар. Саноатимиз айрим тармоқларининг вакиллари қўшимча сарф-харажатлар қилмасдан туриб юксак меҳнат унумдорлигига эришаётирлар. Тўқимачилик саноатининг ходимлари ускуналар қувватидан самарали фойдаланиб, уларнинг смена коэффициентини ошириш йўлидан боряптилар. Ўзбекистон бинокорлик ва монтажлаш ташкилотларининг қатор коллективлари оз ишчи кучи билан кўп иш бажариш шиори остида меҳнат қилаётирлар.

Урток Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг ноябрь ойида бўлиб ўтган мажлисида социалистик мусобақанинг бугунги вазифаси ҳақида: «Съездолди мусобақаси тўғрисида гапирганимизда унинг алоҳида характерини назарда тутишимиз керак. Бу мусобақа ўнинчи беш йиллиннинг зарбдор марраси учун ва айни вақтда келгуси беш йиллиннинг шундай бошланиши учун бўлаётган мусобақани, у бундан буён олға ҳаракат қилишимизга керакли суръат бағишлашимизга имкон берадн», деб таъкидлади.

Беш йиллигимизнинг ўтган даврида катта муваффақиятлар қўлга киритилгани шубҳасиз. Лекин ленинча иш услубига амал қила бориб, ҳамма ерда, ҳар бир иш участкасида ва корхоналарда ижодий меҳнат муҳитини барқарор қилишимиз, ишда аниқ маромни таъминлашимиз, мавжуд резервларни ҳаракатга келтиришга имкон берадиган даражада ишчи ташкил қила олишимиз, социалистик мусобақанинг турли шаклларидан фойдаланишимиз, шу тариқа бутун эътиборни ҳал этилмаётган масалаларга сафарбар қилиш тажрибасига қатъий эътибор беришимиз лозим.

Ўзбекистон ишчилар синфи 1980 йилни катта меҳнат муваффақиятлари билан якунламоқдалар. Улар «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасини астойдил қўллаб-қувватлаб, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини улкан зафарлар билан қутиб олиш учун астойдил курашмоқдалар. Саноат маҳсулоти реализация қилиш ўн бир ойлик плани 101,5 процент бажарилди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 6,3 процент, меҳнат унумдорлиги 3,2 процент ортди. Қурилиш-монтаж ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати корхоналарининг коллективлари ўн бир ойда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 35 процент кўп асосий фондларни ишга туширдилар. 35 та янги йирик саноат қувватлари ва объектлари фойдаланишга топширилди. Уй-жойлар қурилиши кенгайди. Мактаблар ва мактабгача болалар муассасалари қурилишини яхшилашда олға қараб дадил қадам ташланди.

Мусобақа давомида янги резервлар ҳаракатга келтирилаётгани, имкониятлардан самарали фойдаланишга муваффақ бўлинаётганидан кўз юмиб бўлмайди албатта. Шу билан бирга, социалистик мусобақани ташкил этишда катта камчиликлар борлигини, баъзан бу ишда расмиятчиликка йўл қўйилаётганлигини ҳам тан олиш керак. Масалан, Наманганди КПСС XXV съезди номли машинасозлик заводини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу корхона техника-иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан областдагина эмас, республиканда илғор ҳисобланади. Заводда маҳсулотларнинг ўндан тўққиз қисми давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқдаки, бу корхона коллективининг ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётганлигидан далолат беради. Афсуски, бу ерда мусобақа голиблари рағбатлантиришнинг моддий ва маънавий жиҳатларига тегишлича эътибор берилмаётир. Ишлаб чиқариш илғорлари, новаторлар рағбатлантириб турилади. Бироқ, мукофотлар цех ёки участка коллективларининг тантанали йиғилишларида топширилмайди. Оқибатда мусобақа голиблари мукофотни нима учун олганликларини уларнинг касбдошлари пайқамай қоладилар. Корхоналарда мусобақани ташкил этишдаги бу каби расмиятчиликка барҳам берилиши керак.

Вазифа — 1980 йилни барча соҳада юксак кўрсаткичлар билан нишонлашдан, ўн биринчи беш йилликкка муносиб замин яратишдан иборат. Энг яхши тажрибалар ўн биринчи беш йилликкка хизмат қилиши лозим. «Съездолди кунларининг ҳар бири зарбдор бўлишига эришайлик!» — ишчи коллективларининг бугунги шиори ана шундай. Декабрь ойи беш йиллик ҳисобини сўрайди. Шу ойнинг вазифалари қанчалик муваффақиятли адо этилса келгуси беш йилликкка шунчалик мустаҳкам замин яратилади.

«САКСОНИНЧИ ЙИЛЛАРДА ҚОММУНИСТИК ПАРТИЯ БУТУН ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИ, МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ КЎПАЙТИРИШНИ, СОВЕТ ҚИШИЛАРИНИНГ СОЦИАЛ АКТИВЛИГИНИ ВА МЕҲНАТ ҒАЙРАТИНИ ОШИРИШ АСОСИДА ХАЛҚНИНГ МОДДИЙ ВА МАДАНИЙ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ МУТТАСИЛ ЮКСАЛТИРИШНИ, ШАХСНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚАМОЛ ТОПТИРИШ УЧУН ЭНГ ЯХШИ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШНИ ОЛИЙ МАҚСАД ҚИЛИБ ҚЎЙГАН ЎЗИНИНГ ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРАДИ».

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасидан).

ШАХСИЙ МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ — КПСС XXVI СЪЕЗДИГА

ПАЙВАНДЧИ АЗИЗОВ

Абдулҳамид Азизовни Андижон ип газлама комбинати қурилаётган жойдан топдик. Конденсатор ўрнатаётган экан. Иш жойининг ўзида суҳбатлашдик. У ўзининг ишчилик мураккаб бўлмаган ҳаёт йўли ҳақида сўзлаб берди.

Абдулҳамид аслида асакалик. Мактабдан тўппа-тўғри қурилишга келди, электрпайвандчига шогирд тушди. Шу касбга меҳр қўйди, унинг нозик «сир»ларини қунт билан ўрганди. Ўн беш йил «Узэлектромонтаж» бошқармасининг Андижон участкасида ишлаб чиникди, қадр-қиммат топди, обрў орттирди. Коммунистик меҳнат зарбдори, социалистик мусобақа голиби бўлди. Мукофотлар, раҳматномалар, фахрий ёрлиқлар олди.

Моҳир электр пайвандчи Абдулҳамид Азизов кўп қурилишларда қатнашди. Андижон машинасозлик, «Электроаппарат», «Электродвигатель», «Ирмаш», заводларида янги асбоб-ускуналарни пайванд қилди. Бир неча йил Андижон сув омбори қурилишида ишлади, қудратли кўтарма кранларни йиғди, бетон заводини ишга туширишда фидойилик кўрсатди.

Илғор пайвандчи уч йилдан буён Андижон ип газлама комбинати қурилишида ишлаяпти. Бу ерда ўрнатилган ва ўрнатилаётган катта конденсаторлар, трансформаторларни пайванд қилишда Абдулҳамид Азизовнинг хизматлари бениҳоя. У ҳар бир топшириқни аъло даражада уддалаяпти. Ойлик планларни мунтазам 110—120 процентга етказиб бажармоқда.

— Коллективимиз КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартияси XX съездлари шарафига олган — комбинатнинг биринчи навбатини ишга туширишдек юксак мажбуриятни шараф билан бажарди, — дейди Азизов. — Айни кунларда улкан корхонанинг иккинчи комплекси қурилиш участкаларида қизғин иш олиб бораяпмиз. Ҳар қурувчи зарбдорларча, стахановчасига ишлашга аҳд қилган.

Мен ҳам —шу ташаббусга қўшилиб, план топшириқларимни ҳар доим ошириб бажариш, бенуқсон ишлашга ҳамкасбларимни ишонтирдим.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратда: мусобақа илғори А. Азизов.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

Сафимизда қолоқлар бўлмасин

ИШГА ИЖОДИЙ ЁНДАШИЛСА...

Утиб бораётган ўнинчи беш йиллик коммунистик қурилишда улкан зафарлар беш йиллиги бўлиши билан бирга, халқ ғайрат-шижоати жўш урган, ўнлаб ватанпарварлик ҳаракатлари вужудга келиб, миллионлар мулкига айланган давр ҳам бўлиб қолди. Ана шундай ташаббуслардан бири — ростовлик ва янгийўлликлар бошлаган «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!» шиори остидаги ҳаракатдир. Ташаббускорлар изидан бориб, уларнинг тажрибаларини пухта ўзлаштирган, ўз шароитларига мослаб жорий этган меҳнат коллективлари ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунламоқдалар. Аксинча, ишга расмиятчилик билан қараб, фақат қоғоздагина тажрибаларни «қўлланаётган» завод ва фабрикаларда қолоқликдан қутулишолмаяпти. Бунга қуйидагилар ёрқин мисолдир.

ТАШАББУС ҚАНОТИДА

Ф. КУЛИЕВ,
Бахт пахта тозалаш заводи директори:

— Коллективимиз ўнинчи беш йилликни шараф билан якунлаш учун астойдил курраш олиб бормоқда. Биз бу беш йилликда жами 129 миллион 228 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишимиз, 129 миллион 730 минг сўмлик ялпи маҳсулот, 11590 тонна линт, 135222 тонна уруғлик чигит ишлаб чиқаришимиз керак. Линт ишлаб чиқариш, олинадиган даромад ҳамда маҳсулот таннархини камайтириш бўйича беш йиллик планларни ортиғи билан бажарганмиз.

Корхонани ёз ойларида сифатли капитал ремонтдан чиқариб олдик. Оқолтин районидаги Усмон Юсупов номли, «Андижон» совхозларидаги пахта тайёрлаш пунктлари заводимиз ихтиёрига ўтказилди. Мазкур пунктларни ўз кучимиз билан ремонт қилдик, янги ғарамлар учун 10 та майдонча очдик, 6 та янги транспортёрни ишга туширдик. Натижада бу йилги пахта тайёрлаш мавсумида мазкур пунктларимиз дуруст ишлади. Хўш, бу муваффақиятларнинг сири нимада?

«Сафимизда қолоқлар бўлмасин!» ҳаракатига биринчилар қаторида қўшилган корхонамиз меҳнат аҳли биринчи кунданоқ бутун диққат-эътиборни пировард натижага эришишга, бирорта ҳам ишчи, смена, бригада, цех ва участканинг қолоқ бўлиб қолишига йўл қўймасликка ҳаракат қилди. Бунинг учун социалистик мусобақанинг тарбиявий ролидан, моддий ва маънавий рағбатлантириш воситаларидан омилкорлик билан фойдаланилди. Коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлиги оширилиб, ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракатига кенг йўл очилди. Фан-техника ютуқлари дадил жорий этилди.

Жонажон Коммунистик партиямизнинг XXVI съезди шарафига биз ҳам юксак мажбуриятлар олганмиз. Жумладан, асосий кўрсаткичлар бўйича беш йиллик топшириқларни шу йилнинг ноябригача бажаришни мўлжаллаган эдик, сўзимизнинг устидан чиқдик. Якунловчи йил топшириқлари эса 28 декабрда ado этилади. Пландан ташқари 750 минг сўмлик ялпи маҳсулот, 470 тонна тола, 47 тонна линт ишлаб чиқарамиз, 800 минг сўмлик маҳсулотни реализация қиламиз, меҳнат унумдорлигини эса яна 4 процентга оширамиз. Ҳозир корхонамиз тўла қувват билан ишлаб турибди.

Бизни ташвишга солиб турган бир масала борки, у ҳам бўлса анча олисдаги пунктларимиздан хом ашёни заводга бир меъёрда ташиб туришдир. Бу иш Бахтдаги 52-автобаза коллективи зиммасига юклатилган. Бирок мазкур автокорхона раҳбарлари кунига 15 та ўрнига атиги 6—7 талан юк машинаси ажратмоқдалар, холос. Сабаби — автомобиль корхонасининг камқувватлигидир. Биз область автомобиль трести раҳбарларидан конкрет амалий ёрдам кутамиз.

ЙИЛ ОХИРЛАБ ҚОЛГАНДА...

В. ГАВРИЛЕНКО,
Гулистон пахта тозалаш заводи директори:

— Мамлакатимизнинг барча жойларидаги каби корхонамизда ҳам КПСС XXVI съезди шарафига ўзаро социалистик мусобақа авж олмоқда. Коллективимиз беш йиллиннинг дастлабки уч йилида барча кўрсаткичларни яхши якунлаган эди. Лекин 1978 йили муайян қийинчиликларга дуч келдик. Бу ҳол корхонамиз фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Бўлардан қатъий назар, ўнинчи беш йилликни дуруст туғаллаш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Заводни капитал ремонтдан чиқардик, унинг ишлаб чиқариш технологиясига баъзи ўзгартишлар киритдик, кўпгина ускуналарни янгиладик ва ҳоказо. Корхонани ўтган йилдагидек деярли бир ҳафта олдин ишга туширдик. Сўзсиз бу ҳам беш йиллик вазифаларини муваффақиятли якунлашга маълум даражада ёрдам беради.

Заводимиз ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари КПССнинг ўнинчи XXVI съезди шарафига ўз зиммаларига 13 бандан иборат юксак мажбуриятлар олишган. Ана шу мажбуриятдаги баъзи рақамларни тилга олиб ўтмоқчиман. Беш йиллик план топшириқларини шу йилнинг 28 декабригача ado этмоқчимиз. Пландан ташқари 1 миллион 500 минг сўмлик маҳсулот реализация қиламиз. Шунингдек, пландан ташқари 470 тонна пахта толаси, 50 тонна линт, 800 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарамиз, меҳнат унумдорлигини пландагидан ташқари яна 1,6 процентга оширамиз. Корхонамизнинг Тожихон Маматова, Бўри Қосимов, Муртазо Алиев, Салават Бекмуҳамедов сингари донгдор ишчилари эса янада юксак мажбуриятлар қабул қилишган. Аммо ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этолмадик шекилли, мажбуриятларнинг ado этилишида қийинчиликлар юз бермоқда.

Юқоридагилар билан бир қаторда шу нарсани таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, ишчиларимизни уй-жой билан таъминлаш борасида қийнаяпмоқдамиз. Бу ўз навбатида кадрлар қўнимсизлигига олиб келмоқда. Ҳозир корхонамизга деярли 60 нафар ишчи етишмайди. Оқибатда бошқа шаҳарлардан мадад сўрашга мажбур бўлмоқдамиз. Акс ҳолда олдимизда турган муҳим вазифаларни ҳал этиш қийин. Бу таъдбиримиз ортиқча сарф-харажатларни келтириб чиқармоқда. Республика Пахта тозалаш саноати министрлиги, маҳаллий партия ва совет ташкилотларидан шу борада амалий ёрдам кутамиз.

* * *

Ҳар иккала корхона раҳбарлари билдирган ўринли фикрлар тегишли идоралар, партия ва совет органлари томонидан инобатга олиниши, уларга тегишли чоралар кўрсатилиши керак. Сирдарё областида жойлашган пахта тозалаш саноати корхоналридаги шароитлар, хусусан, уй-жой, маданий-маиший объектларнинг етишмаслиги кўпчиликка яхши маълум. Республика Пахта тозалаш саноати министрлиги ана шу масалаларга етарли эътибор бермаётир, зарур миқдорда маблағлар ажратиб, улардан самарали фойдаланиш чораларини кўрмаётир. Ўйлаймизки, бундай ўринли эътирозлар министрликнинг эътиборидан четда қолмас.

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИГА ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ МИНБАРИДАН АЙТИЛГАН ФИКРЛАР)

САМАРҚАНД

И. СОБИРОВ, Самарқанддаги 6-тегирмон комбинатининг бош технологи:

— Яқин истиқбол режалари белгиланган бу муҳим ҳужжатда халқ фаровонлигини янада оширишга катта эътибор берилган. Жумладан, унда шундай сўзларни ўқиймиз: «Ун-ёрма ва аралаш озуқа саноатида олий навли ун ишлаб чиқариш тахминан 24—27 процент... кўпайтирилсин». Мен лойиҳадаги ушбу сатрлар қаторига: **«Шу билан бирга, ҳар бир киши ризқ-рўзимна — дон-дуи исрофгарчилиги билан қатъий курашсин, уларнинг бу ишга бўлган масъулияти оширилсин»**, — деган жумланинг қўшиб қўйилишини истардим. Чунки, биз хоҳ катта, хоҳ кичик соҳада бўлсин, тежамкорликка қатъий риоя қилишимиз даркор.

●

СУРХОНДАРЁ

В. ФИРСОВА, 165-қурилиш трестига қарашли 13-кўчма механизациялашган колонна пардозловчилар бригадаси бошлиғи:

— Коллективимиз шу кунларда бутун диққат-эътиборни Термиз гўшт-сут комбинатида колбаса маҳсулотлари цехини қуриб битказишга қаратган. Биз «Асосий йўналишлар» лойиҳасини тўлатўкис маъқуллаган ҳолда, унинг еттинчи боби иккинчи абзацидаги иккинчи жумлани **«Асосий диққат-эътибор биринчи навбатда фойдаланишга топширилаётган асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларининг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлашга қаратилмоғи лозим»**, — деган таҳрирда беришни таклиф қиламиз. Негаки, тажриба масалани худди шу таҳлитда ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

●

ҚАШҚАДАРЁ

М. РЎЗИЕВ, Ульянов районидаги 88-автотранспорт корхонаси шофери:

— Кейинги пайтларда эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги туфайли кўплаб машиналар йўлга чиқолмай қоляпти. Асосий йўналишлар лойиҳасида автомобиль транспортини ривожлантириш, унинг ишини яхшилашга ҳам муҳим ўрин берилган. Мен 6-боббаги: **«Автомобиль транспортида умумий фойдаланишдаги транспортнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни илдам ривожлантириш таъминлансин»**, —жумласига **«улар эҳтиёт қисмлар билан тўхтовсиз таъминлаб турилсин»**, деган сўзларни қўшишни таклиф қиламан.

ЖАМОАТЧИ МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

ЗАВОД ЁРДАМГА МУҲТОЖ

РЕСПУБЛИКА МИНИСТРЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Бундан икки йил аввал Марғилонда «Узглавводстрой» — ҳозирги Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети системасида автомобиль ремонт заводи ташкил этилди. Корхона «ЗИЛ-130» ва «ММЗ-555» маркали автомашиналарни ремонт қилишга ихтисослаштирилди. Ўтган йилдан бошлаб «ГАЗ-53» маркали автомашиналар ҳам ремонт учун қабул қилина бошланди

Республика Давлат план комитети завод имкониятларини ҳисобга олиб «Узглавводстрой»дан ташқари бошқа министрликлар ва ташкилотларга қарашли автомашиналарни ҳам ремонт қилишни планлаштирди. Ўнинчи беш йиллиннинг якунловчи йилида 400 та «ЗИЛ-130», «ММЗ-555» ва яна шунча «ГАЗ-53» автомашиналарини ремонт қилиш кўзда тутилди. Буюртмачи ташкилотлардаги мавжуд транспорт воситалари ва уларнинг ремонталаб даврлари қатъий белгиланди.

Афсуски, буюртмачилар бугунги кунда белгиланган ана шу графикка амал қилишмаяпти. Улар янги заводнинг ремонт фонди билангина ҳаракатга келишини тушуниб етмаяптилар. Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида «Узглавводстрой» автокорхоналари 50 та, министрликларга қарашли ташкилотлар 150 та «ЗИЛ-130» ва «ММЗ-555» машиналарини ремонт учун юборишлари лозим эди. Бирок, бу рақамлар ҳозирча фақат қоғоздагина қолиб кетяпти. Республика Автомобиль транспорти ва Коммунал хўжалик министрликлари, «Ўзбекбирлашув», «Ўзколхозстрой» ва Ҳунар-техника таълими давлат комитетларидан эса йил бошидан буён бирорта ҳам ремонт учун машиналар қабул қилинмади.

Республика қишлоқ қурилиш министрлиги двигателлар ремонти бўйича асосий буюртмачи ҳисобланади. Жумладан, министрлик автокорхоналари бу йил ремонт учун 300 га яқин мотор жўнатиши керак эди. Ҳолбуки, корхона ремонтчилари бугунгача бор-йўғи 14 та мотор қабул қилишди, холос.

Министрликнинг Фарғона областида иккита автокорхонаси бор. Ҳар иккала корхонада бўлсангиз мотор носозлигидан рейса чиқа олмаётган ўнлаб машиналарни учратасиз. Мотори олиб қўйилган кўпгина машиналар ҳақида айтиб ўтиришга озоҳ ҳам йўқ. Бу ҳол ремонт заводида белгиланган план-топшириқларни бажарилишини орқага тортяпти. Корхонанинг мавжуд ремонт фондлари аллақачон реализация қилиниб бўлди. Цехлар, участкалар бўш. Ишчи-хизматчилар иккинчи даражали ишлар билан банд.

Хуллас, Марғилон автомобиль ремонти заводи қуввати ошган сари унинг ремонт фонди камайиб бораяпти. Бу номутаносиблик буюртмачилар, республика министрликлари ва идораларининг бепарволиги туфайли содир бўлмоқда. Аҳвол шу тарзда давом этаверса завод тўхтаб қолиши ҳеч гап эмас. Хулоса: корхонага ёрдам керак!

Н. СОБИРОВ,
Фарғона области.

Барқарор омил

ИЛГОРЛАР ТАЖРИБАСИ — ҲАММАНИНГ МУЛКИ

Янгийўлдаги «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўнинчи беш йиллик давомида қўлга киритган катта ютуқлари учун бир неча бор СССР ва республика Озиқ-овқат саноати министрликлари ҳамда Янгийўл шаҳар партия комитетининг кўчма Қизил байроқларига мушарраф бўлди. Давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқаришда эришган юксак натижалари учун СССР Министрлар Совети, давлат Стандарти комитети ва ВЦСПСнинг фахрий дипломини олди.

Буларнинг ҳаммаси сўнгги беш йилликларда тўпланган илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, машина-механизмлар қуввати ва иш вақтидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини узлуксиз ошириб бориш натижасидир. Айниқса, ишчилар, бригадалар ва цехлар ўртасида авж олдирилган социалистик мусобақа эришилган ютуқларда барқарор омил бўлмоқда. Шахсий план-топшириқларни ошириб бажарган, социалистик мажбуриятларни барвақт уддалаган, аъло сифатли маҳсулот тайёрлаб, биринчи тақдимдаёқ топширишга эришган, материал, хом ашё тежамкорлигини таъминлаган, орттирган бой тажрибаларни ёш ишчиларга қунт билан ўргатган ишчи-хизматчилар социалистик мусобақа илғори деб топилмоқда.

Бригадалар ва цехлар ўртасидаги мусобақада меҳнат сарфини камайтириб бориш ва давлат Сифат белгиси остида маҳсулот тайёрлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқлар ижроси ҳам назарда тутилмоқда. Агар цех, бўлим ёки бригадада меҳнат интизомини бузувчилар бўлса, у ҳолда коллектив мусобақадан чиққан ҳисобланади. Мусобақа якунлари аниқланиб, корхона касаба союз комитетида тасдиқланади. Вимпел ва мукофотлар голибларга бирлашма коллективлари умум йиғилишида тантанали топширилади. Бутун йил давомида пешқадамлик қилган цехлар, бригадалар, шунингдек, ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимлар корхона «Меҳнат шуҳрати» китобига ёзилади ва шуҳрат гувоҳномаси олишади.

Алоҳида меҳнати, юксак маҳорати ва қўлга киритган ютуқлари билан коллективда ҳурмат қозонган ишчи-хизматчиларни тақдирлаш учун моддий, маънавий рағбатлантириш борасида таъсирчанроқ форма ва методлардан фойдаланишга кенг эътибор беряпмиз. Жумладан, меҳнат ва маҳсулот сифатини оширишда энг яхши кўрсаткичларга эришганлар учун «Сифат аълочиси», «Олтин қўлли уста», «Цехнинг энг яхши ишчиси» сингари фахрли номлар жорий этдик. Айни пайтда улар бирлашма «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади. Фахрий ёрлиқлар, вимпеллар билан мукофотланади.

Бир йил давомида суруркасига 6 марта ғолиблик қилган цех ва бригада коллективларига «Социалистик мусобақа голиби» вимпели доимий сақлаш учун топширилади. Пешқадам ишчи-хизматчилар «Социалистик мусобақа голиби», «Беш йиллик зарбдори» нишонлари, шунингдек, ҳукумат орден ва медаллари билан тақдирланади.

Бирлашмада ўнинчи беш йиллик давомида тўққизинчи беш йилликка нисбатан кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,4 минг тоннага кўпайди. Ялпи маҳсулот ҳажми 16,4 миллион сўмга етди. Меҳнат унумдорлиги 1975 йилдагига қараганда 26,3 процент ўсди. Беш йиллик план шу йилнинг октябрь ойида ошиғи билан ado этилди. Ҳозир бирлашма меҳнат аҳли ўн биринчи беш йиллик ҳисобига иш бажариб, кондитер маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан пландагидан 7,8 минг тонна олдинда бормоқда. С. Абдуллаева, С. Лугова, А. Шомирзаева, Л. Офицерова ўртоқлар бошлиқ бригадалар коллективларининг меҳнат календарида 1981 йилнинг март ойи бошланди.

Съездолди мусобақасини авж олдириб, ўн биринчи беш йилликнинг Асосий йўналишлари лойиҳасини қизғин қўлаб-қувватлаётган бирлашма коллективи ўтган беш йилликларда тўплаган энг яхши тажрибаларини янги беш йилликда ҳам тобора бойитишларига шак-шубҳа йўқ. Тўпланган илғор тажрибалар улар эришаётган ютуқларда барқарор омил бўлиб хизмат қилаверади.

Т. МАСЛОВА,
Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги илғор тажрибалар пропагандаси бўлими инженери.

Тошкент области. Пискент район матлубот жамияти қошида хўжалик ҳисобидаги бўрдоқичилик базаси чорвадорлари пландаги 320 тонна ўрнига 350 тоннага яқин мол гўшти топширишди. Шунингдек, эл дастурхонига 7,2 тонна парранда гўшти, 42 минг дона тухум етказиб берилди. Суратда: (чапда) база директори Ортиқ Маматқулов чорвадорлар билан келгуси йилдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашмоқда. 1981 йилда улар камида 400 тонна гўшт етиштиришга қарор қилишган.

А. Тўраев фотоси.

ЖАНГОВАР ЧОРВАЧИЛИК–ЗАРБДОР ФРОНТ ПРОГРАММА АСОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1981—1985 йилларда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан Калинин, Бахмал, Бўзатов райони каби Чиноз райони меҳнаткашларининг тадбирларини ҳам маъқуллади. Қуйида мухбиримизнинг шу район партия комитетининг биринчи секретари К. Б. Мамедов билан қилган суҳбатини ўқийсиз.

— Кибор Бакирович, районда ўнинчи беш йиллик план-топшириқлари қандай бажарилгани ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Районимиз меҳнаткашлари комплекс тараққиёт йўлидан олга бормоқдалар. Саноат корхоналари ўнинчи беш йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш планини 104 процент ado этди, пландан ташқари 5,1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Қурувчиларимиз 27 миллион сўмлик иш бажардилар. Бу 1975 йилга қиёслаганда 186 процентни ташкил этади. Пахтакорларимиз катта хирмон кўтардилар. Беш йиллик пахта тайёрлаш топшириғи ортиғи билан ado этилди, пландан ташқари 17.750 тонна «оқ олтин» сотилди. Якунловчи йилда район бўйича гектаридан 38.6 центнердан ҳосил олинди. Ялпи пахтанинг 86 проценти машиналарда терилди. Давлатга бошқа хил маҳсулотлар сотиш планлари ҳам ҳамма турлари бўйича ошириб ado этилди.

— Чорвачилик тармоғининг ривожлантирилиши, маҳсулотлар тайёрлаш планларининг бажарилиши қандай бўлди?

— Район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари чорвачиликни ривожлантиришга нечоғли катта аҳамият бераётганини қуйидаги мисолда кўриш бўлади. Хўжаликларимизнинг ҳар бирида 1200 бошдан сигир боқиладиган учта комплекс қурилиб, фойдаланишга топширилди, сигирлар сони комплектланди, зоти яхшиланди. Комплексларнинг ходимлари сут миқдорини ошириш билан бир қаторда барча хўжаликларимизда зотдор сигирларни кўпайтириш чораларини кўрмоқдалар.

Амалга оширилган тадбирлардан яна бири шуки, 100 мингта товуққа мўлжалланган парранда комплекси ишга туширилди. Товуқлар уч йўналиш — тухум, гўшт, гўшт-тухум олиш йўналишида парвариш қилиниб, яхши натижаларга эришилмоқда. Чўчқачилик, қуёнчилик ва бошқа тармоқлар гўшт тайёрлашни кўпайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Ана шундай тадбирлар амалга оширилиши туфайли ўнинчи беш йилликда тўқизинчи беш йилликка нисбатан район бўйича йирик шохли қорамоллар сони 1,6 баравар, шу жумладан сигирлар 1,5 баравар, паррандалар 4,8 баравар кўпайтирилди. Ҳозирги вақтда хўжаликларимиз 1.000 бошдан кўпроқ чўчқа, 10 мингтадан кўпроқ қуёнга эга.

Чорва моллар, паррандалар туёқ сонининг кўпайтирилиши гўшт етиштириш ҳажмини ошириш, сортини яхшилашда катта роль ўйнамоқда. Беш йилликда гўшт 670 тонна, сут 26.300 тонна, тухум 2 миллион 167 минг дона кўпайтирилди. Давлат планлари бажарилибгина қолмасдан, районимиз аҳолисининг чорва маҳсулотларига бўлган талаби ҳам тўлароқ қондирилмоқда.

«Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, моллар ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш таъминлансин... Сигирларнинг маҳсулдорлигини ошириб, сутининг сифати яхшиланишига эришилсин. Бузоқларни интенсив ўстириш ва боқиш, сўқимга боқиш муддатини қисқартириш йўли билан мол гўшти етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан кенг фойдаланилсин...»

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасидан).

Район партия комитети фермалар, комплексларни кадрлар билан мустаҳкамлаяпти, уларнинг малакасини ошириш, меҳнат унумдорлигини кўтаришга жиддий эътибор бераяпти. Бир сўз билан айтганда, чорвачиликни ҳамманинг севимли касбига айлантириш учун ҳамма чора-тадбирларни кўряпти. Айниқса чорвачиликка комплекс механизацияни кенг жорий этишни биринчи даражали вазифа деб биляпти. Чорвадорлар мусобақаси бутун чоралар билан кучайтириляпти, илғорлар тажрибаси ҳамманинг мулкига айлантириляпти. Натижада маҳсулотлар тайёрлашда ажойиб кўрсаткичлар қўлга киритилмоқда.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб гўшт етиштириш 4,8 минг тоннага етказилсин, 1980 йилдагига нисбатан 2 баравар кўпайтирилсин, сут етиштириш 30 минг тоннага етказилсин ёки 1,8 баравар кўпайтирилсин, тухум етиштириш 3,5 миллион донага етказилсин ёки 2 баравар кўпайтирилсин дейилган. Бу улкан вазифаларни бажариш учун қандай резервлар бор?

— Районимиз бўйича қорамоллар сонини 17 процент, сигирлар сонини эса 1,6 баравар, чўчқалар ва паррандалар сонини 1,6 баравар кўпайтирамиз, ҳар соғин сигир маҳсулдорлигини 3.850 килограммга еткамиз. Ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини камида 470 килограммга, чўчқаларнинг оғирлигини 110 килограммга, қўйларнинг тош босишини 50 килограммга етказиб, гўштга топширишни таъминлаймиз. Барча чорвадорларимиз яқдиллик билан шундай демоқдалар.

Чорва молларни туёқ сони ҳисобига кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш тадбирлари кўрилар экан, озуқа базасини мустаҳкамлашни биринчи ўринга қўймоқ керак. Ҳар қандай яхши ниятни амалга оширишнинг бош йўли озуқани кўпайтириш, яъни қорамол ва 50 мингта паррандага мўлжалланган биноларни қурилади, мустаҳкам озуқа базаси яратилади. Умумовқатланиш корхоналари ёрдамчи хўжаликларда етиштирилаётган маҳсулотлар ҳисобига аҳолига хизмат кўрсатади, бозорларда кооператив ва давлат савдоси ривожлантирилади. Шу кунга қадар тўпланган тажриба белгиланган режаларни тўла амалга ошириш мумкинлигидан далолат беряпти.

Хонадонларда чорва моллари ва паррандалар асраш масаласига ҳам эътиборни кучайтиряпмиз. Пахта ва бошқа маҳсулотлардан юқори ҳосил етиштирилиши туфайли хўжаликларимизнинг экономикаси мустаҳкамланиб, меҳнаткашларнинг даромадлари ортяпти. Улар ўз хонадонларида сигир, новвос, қўй, паррандалар сақлаш учун етарли имкониятларга эга. Уларга ем-хашакдан ёрдам кўрсатилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорида белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш учун бир қатор муаммоларни ҳал этмоғимиз даркор. «Чиноз» совхоз-техникумида 3000 бош бузоқ боқиладиган бузоқхона қурилади. Мавжуд фермалардаги ўринларни қўшимча 7.400 бош қорамол боқишга мўлжаллаб кенгайтирамиз, паррандачилик фермаларидаги паррандаларни 50 мингтага, чўчқалар сонини 1.500 бошга кўпайтирамиз. Ўт ўриш, озуқа цехлари, озуқа узатиш линиялари қурамиз. Бу ишларни изчиллик билан амалга ошириш учун Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва лойиҳалаш ташкилотлари бизга тезкорлик билан амалий ёрдамлар беришлари керак. Бундан ташқари, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки икки йилидаёқ «Янгиобод» ва «Партия XXIV съезди» сутговар комплексларини 2 минг бош наслли ғунажинлар билан тўлдиришимиз керак. Бу масала ҳам ижобий ҳал қилинади деган умиддамиз. «Олмазор» совхоз-заводида чорвачилик комплекси қал қўтаради. Ўтлоқларнинг унумдорлиги оширилади. Ана шу масалаларни ҳал этишда «Ўзплодоовощвинпром» ва республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг амалий ёрдамларини кутамиз.

Районимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қароридан руҳланган ҳолда меҳнат қиляпти, КПСС XXVI съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун мусобақани кучайтиряпти, «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасини чин юракдан маъқуллаб, янги уфқлар сари дадил қадам қўяпти.

ЧУҚУР ТАЪЗИЯ

Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби Алексей Николаевич Косигин вафот этганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига, Л. И. Брежнев ва Н. А. Тихонов ўртоқларнинг номига таъзия билдирилган телеграммалар келди.

Таъзия телеграммаларини қуйидагилар юборишди:

БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков, БХР Министрлар Советининг Раиси С. Тодоров;

ВСИП Марказий Комитети Биринчи секретари Я. Кадар, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар;

Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретари Ле Зуан, ВСР президенти вазифасини ижро этувчи Нгуен Хиу Тхэ, ВСР Миллат мажлиси Доимий комитетининг раиси Чион Тинь, ВСР ҳукуматининг Бош министри Фам Ван Донг;

ГБСП Марказий Комитети Бош секретари, ГДР Давлат Кенгаши Раиси Э. Хонеккер, ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф;

Куба Компартияси Марказий Комитети Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети Раиси Ф. Кастро Рус;

МХРП Марказий Комитети, МХР Буюк халқ хуралы президиуми, МХР Министрлар Совети;

ПБИП Марказий Комитети Биринчи секретари С. Каня, ПХР Министрлар Совети Раиси Ю. Пиньковский;

РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску, РСР ҳукуматининг Бош министри И. Вердец;

ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР президенти Г. Гусак, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал;

ЮКС Марказий Комитети Президиумининг Раиси Л. Мойсов, ЮСФР Иттифоқ ижроия вечасининг раиси В. Журанович;

КХДР Маъмурий кенгаши бош министри Ли Ден Ок.

Қуйидагилар таъзиянома юбордилар:

АХДП Марказий Комитети Бош секретари, АДР Революцион Кенгаши Раиси, Бош министри Б. Кармал;

Финляндия Республикасининг президенти У. Кекконен, Бош министри М. Койвисто;

Ҳиндистон Республикаси президенти Н. Санжива Релди, Бош министри Индира Ганди.

Араб Социалистик Уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикаси президенти Ҳ. Асад;

МПЛА — Меҳнат партиясининг раиси, Ангола Халқ Республикаси президенти Ж. Эдуарду Ж. душ Сантуш;

Гвинея Халқ революцион республикасининг президенти Аҳмад Секу Туре;

Ироқ Республикаси президенти С. Ҳусайн;

АҚШ президенти Ж. Картер;

Франция Республикаси бош министри Р. Барр;

ГФР федерал канцлери Г. Шмидт;

Буюк Британия бош министри М. Тэтчер;

Италия Министрлар Советининг раиси А. Форлани;

Япония бош министри Дз. Судзуки;

Испания ҳукуматининг раиси А. Суарес;

Австрия Республикаси федерал президенти Р. Крихшлегер; Федерал канцлери Б. Крайский;

Греция Республикаси президенти К. Караманлис, бош министри Г. Раллис;

Кипр Республикаси президенти С. Киприану;

Норвегия қироли Улаф;

Танзания Бирлашган Республикаси президенти Ж. Ньерере;

Замбия Республикаси президенти К. Каунда;

Кампучия Миллий қутқариш бирлашган фронти Марказий Комитетининг Раиси, Кампучия Халқ революцион кенгашининг раиси Хенг Самрин;

Бенин Республикаси президенти М. Кереку;

ЖХДР президенти Шадли Бинжидид;

Покистон президенти М. Зиёул Ҳақ;

Яшил Бурун ороллари Мустақиллиги африкаликлар партиясининг бош секретари, Яшил Бурун ороллари республикаси президенти А. Перейра;

Тунис республикаси президенти Ҳ. Бурғиба;

Шри Ланка Демократик Социалистик Республикаси президенти М. Р. Жаявардене;

Иордания бош министри М. Бадран;

Дания бош министри А. Иоргенсен;

Швеция бош министри Т. Фельдин;

Австралия бош министри вазифасини ижро этувчи Д. Антони;

Никарагуа ҳукуматининг раҳбарлик кенгаши;

Янги Зеландия бош министри Р. Малдун;

Мальта Республикаси бош министри Д. Минтофф;

Бангладеш Халқ Республикаси бош министри А. Рахмон;

Маврикий бош министри С. Рамгулам.

Қуйидагилардан таъзия телеграммалари олинди:

БМТ Бош секретари К. Вальдхайм;

Араб мамлакатлари иттифоқи бош секретари Ш. Клиби.

Бошқа бир қанча давлатлардан, шунингдек давлатларнинг Совет Иттифоқидаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларидан таъзияномалар олинди.

Қуйидагилар таъзия изҳор қилдилар:

ФКП Бош секретари Ж. Марше;

ГКП раиси Г. Мис;

Испания Компартияси Марказий Комитети;

Буюк Британия компартияси Бош секретари Г. Макленан;

Португалия Компартияси Марказий Комитети;

Канада Компартияси Бош секретари У. Каштан;

Чили Коммунистик партияси Марказий Комитети;

Ғарбий Берлин социалистик Бирлашган партияси правлениеси;

Кипр Меҳнаткаш халқи прогрессив партияси бош секретари Э. Папаиоанну;

Финляндия Компартияси Раиси Аарне Саариненъ;

Люксембург Компартияси Раиси Рене Урбани;

Мексика Компартияси Марказий Комитети Бош секретари А. Мартинес Вердуго;

Уругвай Компартияси Марказий Комитети Биринчи секретари Р. Арисменди;

Доминикана Компартияси Марказий Комитети;

Колумбия Компартияси Марказий Комитети Бош секретари Х. Виейра;

Исроил Компартияси Марказий Комитети Бош секретари М. Вильнер;

Ҳиндистон Марксистик компартияси Марказий Комитети;

Сан-Марино Коммунистик партияси Марказий Комитети;

Мартиника Коммунистик партияси;

Шри Ланка Коммунистик партияси Марказий Комитети;

Эквадор Компартияси Бош секретари П. Саад;

Чили Социалистик партияси Бош секретари К. Альмейда;

Пуэрто-Рико Компартияси;

Перу Коммунистик партияси Марказий Комитети;

Иордания Компартияси Марказий Комитети.

Чет эллардаги бошқа бир қанча партиялар ва жамоат ташкилотларидан ҳам таъзияномалар олинди.

* * *

А. Н. Косигининг вафоти муносабати билан партия, совет, жамоат ташкилотларидан, министрликлар ва идоралардан, саноат корхоналари, совхоз ва колхозларнинг, илмий-тадқиқот институтларининг, ўқув юртларининг коллективларидан, ҳарбий бўлинмалардан, айрим совет гражданларидан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига таъзия изҳор қилинган кўпдан-кўп телеграмма ва мактублар келди. (ТАСС).

ПЛАНЕТАМИЗДА

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК ДОКТРИНАСИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Форс кўрфази зонасида вазиятнинг нормаллаштирилишни таъминлаш тўғрисидаги таклифлари бутун жаҳонда катта қизиқиш туғдирди. 10 декабрь куни Деҳлида илгари сурилган бу таклифлар ана шу хатарли районда мустаҳкам тинчликка эришишнинг оқилона, адолатли ва амалий йўлини кўрсатиб беради. Бизнинг мамлакатимиз АҚШга, Ғарбдаги бошқа давлатларга, Хитой ва Японияга Форс кўрфази районида ва унга яқин оролларда чет эл ҳарбий базаларини вужудга келтирмасликни; бу ерда ядро қуроли ёки ялпи қирғин қуролининг бошқа бирон турини жойлаштирмасликни; регионда ги мамлакатларга қарши куч ишлатмаслик ва куч ишлатиш билан таҳдид қилмасликни, уларнинг ички ишларига аралашмасликни таклиф этади.

Шу тарифа, Совет Иттифоқи империалистларнинг Форс кўрфазидаги мамлакатларга нисбатан агрессия ва зўравонлик қилиш доктринасига тинчлик ва хавфсизлик доктринасини қарамакарши қўймоқда. Жаҳондаги тараққийпарвар жамоатчилик ва матбуот совет доктринасига энг юксак баҳо бермоқда.

Форс кўрфази районидаги вазиятдан ғоят ташвишланаётган кўпгина араб мамлакатларида СССРнинг янги таклифлари кенг қўллаб-қувватланмоқда ва маъқулланмоқда. АҚШ ва Ғарбдаги бошқа давлатлар ўз «ҳаётий манфаатлари»ни ҳимоя қилиш деган ўйдирма баҳона билан Форс кўрфази районига жуда кўп ҳарбий денгиз кучларини тўплаганлиги ҳаммага маълум. «Араб мамлакатлари, — деб таъкидлади араб мамлакатлари иттифоқининг бош секретари Ш. Клиби, — бу районда хавфсизликнинг таъминланишидан ғоят манфаатдордир. Совет таклифлари жиддий суратда ўрганиб чиқилиши керак».

СССРнинг таклифлари Форс кўрфази районида кимларнинг тинчлик ва хавфсизлик ўрнатишга астойдил интилаётганлигини ва «империалистларнинг «ҳаётий манфаатлари»ни ҳимоя қилиш учун кимларнинг ҳарбий кучга таянаётганлигини яна бир марта очиқ кўрсатиб берди.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО ДЕМОКРАТИК ХОТИН-ҚИЗЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА 35 ЙИЛ ТЎЛДИ

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА

Шу кунларда бутун жаҳон жамоатчилиги, прогрессив инсоният хотин-қизларнинг энг оммавий ташкилоти — Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг 35 йиллигини кенг нишонлаяпти. Жаҳондаги 101 мамлакатнинг 117 ташкилотига уюшган 10 миллионлаб хотин-қизларни ғирлаш тирувчи бу ташкилот тинчлик учун курашнинг олдинги сафида бормоқда.

Федерация 1945 йил декабрь ойида Парижда халқаро хотин-қизлар конгрессида ташкил этилган. Хотин-қизларнинг ирқи, миллати, диний эътиқоди, сиёсий қарашларидан қатъи назар бу ташкилот хотин-қизларнинг инсоний ҳуқуқлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тинчлик, демократия ва мустақиллик учун курашни мақсад қилиб қўйган. Ташкилот ташкил этилган вақт мобайнида кўплаб конгресслар ва тадбирлар ўтказди, хотин-қизлар аҳволини яхшилаш учун тинимсиз кураш олиб борди. Шунинг учун ҳам бу ташкилотнинг обрў-эътибори йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Федерациянинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ошаётганлиги ғарб ва шарқдаги қатор хотин-қизлар ташкилотларининг фаолияти активлашишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда хотин-қизларнинг аҳволи масаласи бутун дунёда жиддий социал проблемалардан бири бўлиб қолди. Жаҳон касаба союзлари федерацияси (ВФП) ва халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси каби йирик жамоат ташкилотларининг программаларида хотин-қизлар масаласи марказий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу ташкилотлар хотин-қизлар тенглиги учун тинимсиз кураш олиб бормоқдалар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йиғилишларида, халқаро форумларда хотин-қизларнинг ҳақиқий аҳволини исботлаб, буржуа демократиясини фош қилмоқдалар. Хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг маълумотга эга бўлишлари, касб танлашлари, уларнинг меҳнатига эркаклар билан бир хил ҳақ тўланиши тўғрисида ғамхўрлик кўрсатмоқдалар.

1967 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг XX сессиясида Жаҳон касаба союзлари федерацияси хотин-қизларнинг илм олиш ҳуқуқлари, уларнинг иқтисодий ҳуқуқлари масаласини ўртага қўйди. Касаба союзлар ва хотин-қизлар федерацияси кучи билан эркаклар ва хотин-қизлар меҳнатига бир хил ҳақ тўлаш тўғрисидаги конвенция қабул қилинди.

Хотин-қизлар тенглиги учун курашда кўпгина қийинчиликларга ҳам дуч келинади. Чунончи, 1954 йилда АҚШнинг Кореядаги агрессиясини очиқ-ойдин қоралагани учун Хотин-қизлар федерацияси консультатив статусидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ишида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолган эди. Лекин, шунга қарамасдан федерация ўз ишини Миллатлар ташкилоти доирасидан ташқарида давом эттирди. 1967 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида федерациянинг иккинчи категория статуси тикланди. Кейинчалик биринчи категориядаги статуси ҳам тикланди ва ЮНЕСКО ишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

1971 йил ноябрь ойида Хотин-қизлар федерацияси 1975 йилни халқаро хотин-қизлар йили деб эълон қилиш таклифини киритди. Халқаро хотин-қизлар йилида кўпгина мамлакатларда митинглар, намойишлар, конференциялар ва семинарлар бўлиб ўтди. Уларда хотин-қизлар ҳаракатининг турли томонлари намоён бўлди. Чунончи, Францияда «Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш учун, социал тараққиёт учун, тинчлик учун жаҳон хотин-қизларининг ҳамкорлиги» шиори остида меҳнаткаш хотин-қизларнинг намойишлари бўлиб ўтди.

Совет халқи фашизм устидан ғалаба қозонгандан кейин Осиё, Африка мамлакатларида миллий озодлик ҳаракати авж олди. Ана шу ҳаракатда барча миллат хотин-қизлари ҳам фаол қатнашди. Бугунги кунда Осиё ва Африкадаги тараққий этаётган мамлакатларда хотин-қизларнинг жамиятдаги ва давлат қаётидаги аҳволига алоҳида эътибор берилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Халқаро хотин-қизлар федерацияси бундан буён ҳам хотин-қизларнинг миллий ва халқаро миқёсдаги ҳаракатининг тараққий этишига янада жиддий таъсир кўрсатади. Социал аҳволи, диний эътиқоди, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, ўз сафларига янгидан-янги кучларни бирлаштириб, дунёда тинчлик, қуролсизланиш, ёрқин келажак учун курашнинг олдинги сафида бораверади.

С. АЗИМЖОНОВА,
тарих фанлари доктори.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПАРИЖ. Мамлакат жанубидаги Нигериянинг Кано шаҳрида динний ихтилофлар негизида юз берган тўқнашувлар вақтида 100 га яқин киши, шу жумладан бир неча полициячи ҳалок бўлди. Шаҳардаги бир қанча уйлар ва магазинлар ёндириб юборилди.

Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, душман мусулмон группалари найза, ўқ-пардан, шунингдек ўқ отиш қуролларидан фойдаланганлар. Қариб 200 кишини полиция қамоққа олган.

ОТТАВА. АҚШнинг Торонтодаги элчихонаси биноси олдида бўлиб ўтган намойиш қатнашчилари «Америкаларнинг Сальвадор ишларига аралашувига чек қўйилсин!» деб талаб қилдилар. Улар Канада ҳукуматидан АҚШ маъмуриятининг мададига таянган ўнг фашист хунтасининг ватанпарварларни оммавий равишда қириб ташлашига қарши иш кўришни талаб қилдилар.

ЛУАНДА. МПЛА — Меҳнат партиясининг навбатдан ташқари I съезди иш кўраётган кунларда Луанда портига «МТЗ-80» совет тракторларининг янги туркуми келтирилди. Съезд иқтисодий мустақиллиги учун кураш шиори остида ўтмоқда. 400 машина ҳозирнинг ўзидаёқ Ангола Халқ Республикасидаги турли вилоятларнинг кооперативларига тарқатилди.

КОБУЛ. Афғонистон пойтахтида саводсизликни тугатиш бўйича бешта янги курс очилди. Бу ерда шаҳардаги саноат корхоналари ва муассасаларининг икки юзга яқин ишчи ва хизматчиси ўқиш ва бэзишни ўрганади.

Ҳозирги вақтда АДРда ана шундай курслардан 22 мингдан кўпроғи ишлаб турибди. Буларда 550 мингдан кўп киши таълим олмоқда.

(ТАСС).

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

Тежамкор шоферлар

КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган «Главташассавтотранс» бошқармасига қарашли автопарклар шоферлари ёнилғидан тежаб-тергаб фойдаланишда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. 3-автопарк шоферларидан Қ. Мирбобоев, М. Зоидовлар ҳозиргача салкам минг литр бензинни тежаб қолдилар. Шунингдек, 5-автопарк автобус ҳайдовчиларидан Ш. Зуфаров, З. Туламатовларнинг ҳар бири 900 литрдан зиёд ёнилғини тежашга эришдилар.

— Бунга эришиш қийин эмас, — дейди З. Туламатов. — Биринчи галда машина техник жиҳатдан соз бўлиши керак. Иккинчидан, графикка қатъий амал қилиш лозим бўлади. Жонажон партиямизнинг съездигача яна бир неча юз литр ёнилғини тежаш мажбуриятини олганман. Тежамкорлик ҳаракати автопаркимизда кенг қулоч ёймоқда.

М. ҲАКИМОВ,
Тошкент шаҳри.

ЭТЪТИРОЗ.

Сансалорлик — иллат

Жиззах шаҳридаги маиший хизмат комбинатига ишингиз тушганми? Тушмагани яхши. Буни ўзимдан қиёс қиламан. 1980 йилнинг май ойида кўйлак буюртиргандим. Бичувчи О. Михайлова икки кундан кейин келсангиз, размерингизни ўлчаб оламиз, деди. Иккинчи маротаба бордим. У бетоб экан, ишга келмабди. Кейинчисида, унинг ишдан бўшаб кетганини айтишди. Тикувчилик цехининг бошлиғи Каримова тикувчига мурожаат қилишимни тавсия этди. Яна бошлиққа учрадим. У ўз навбатида эртага келишимни айтди. Келаси кун тикувчи отпускага чиқиб кетибди. Директорга мурожаат қилган эдим, у бу масалани цех бошлиғи ҳал қилишини ўқтирди. Бошлиқ мени тикувчиларига рўпара қилди. Улар эса ҳамма айбни ишдан бўшаб кетган бичиқчига тўнкашди.

Хуллас, маиший хизмат кўрсатиш комбинатидаги сансалорлик ҳамон давом этмоқда. Наҳотки, битта буюртмани бажариш учун шунча вақт зарур бўлса?

М. КАЛОМОВА.
Жиззах шаҳри.

ТАНҚИД

Қолган ишга қор ёғди

Мен шу йил 12 мартда редакцияга йўллаган хатимда Собир Раҳимов районига қарашли Сағбон кўчасининг икки томони йўлка қилинмагани сабабли йўловчилар транспорт қатнаётган йўлдан юришга мажбур бўлаётганликлари тўғрисида маълум килган эдим. Ана шу хат юзасидан Собир Раҳимов район ижроия комитетидан С. Азимов имзоси билан 30 мартда жавоб олдим. Унда йўлкани асфальтлаш вазифаси «Ташдорстрой» қурилиш бошқармасига юклангани ва бу иш 1980 йилнинг иккинчи кварталида поёнига етказилиши таъкидланган эди. Бироқ амалий ишдан ҳамон дарак йўқ.

Бир нарсага ҳайронмиз. Сағбон кўчасида қурилиш бошқармасининг бетон қориш цехи бор. Цех территориясида эса бетон қоришма чиқиндилари тоғ бўлиб уюлиб ётибди. Наҳотки шуларни йўлкага тўкиб, устидан асфальт ётқизиб юбориш мумкин эмас. Бизнинг юқоридаги ўтиниш ва таклифимизга райижрокомдаги ўртоқлар нима дейишаркин?

Ҳ. ИУЛДОШЕВ.

* * *

Шунингдек, редакциямизга газетхонлардан самарқандлик Б. Имомов, С. Ширинқулов, Н. Ҳамидов, фарғоналик Р. Ёдгоров, С. Акбаров, Ш. Рўзиматов, У. Эшонбобоев, А. Қодиров, М. Маҳкамов, бухоролик Т. Эргашев, сурхондарёлик В. Новиков, А. Сулаймонова, қорақалпоғистонлик М. Муханов, қашқадарёлик И. Дўстмуродов, наманганлик Б. Маҳмудовлар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

СПОРТГА ЭТЪИБОР КУЧАЙТИРИЛДИ

«К. Маркс номли колхозда физкультура ва спорт ишларига етарли эътибор берилмаётир». (Ромитанлик И. Равшанов хатидан).

Ушбу хат юзасидан **РОМИТАН РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ** редакцияга қуйидаги мазмунда жавоб йўллаган:

Колхозда физкультура ва спорт ишларига совуққонлик билан қараганлиги учун спорт инструктори М. Қаландаров қаттиқ огоҳлантирилди. Шунингдек, колхоз комсомол ташкилоти секретари Тўраев ва касаба союз комитети раиси Ғаниев ўртоқларга спорт ишларини тубдан яхшилаш топширилди ҳамда тегишли чоратадбирлар белгиланди.

ВАЗИФАСИДАН БУШАТИЛДИ

«Поликлиникамизда номлари ҳурмат билан тилга олинадиган врачлар ва ҳамширалар кўплаб топилади. Бироқ шифокор деган улуғ номга доғ гушираётганлар ҳам йўқ эмас... (Собир Раҳимов районидаги 9 поликлиника коллективи хатидан).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИдан шундай жавоб олинди:

— Хатда кўрсатилган фактлар тўғри. Собир Раҳимов район соғлиқни сақлаш бўлими бўйруғига кўра, 9-поликлиника бош врачи вазифасини бажарувчи Ш. Саминов вазифасидан бўшатилди.

БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР

РЕВОЛЮЦИЯ ФАРЗАНДИ

(Е. А. БАБУШКИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА)

Коммунистик партиянинг халқ бахт-саодати учун курашган шонли фарзандлари орасида уч рус революциясининг, Туркистонда Совет ҳокимияти ғалабасини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш учун курашнинг актив қатнашчиси Ефим Андрианович Бабушкин ҳам бор.

Е. А. Бабушкин 1880 йил 26 декабрда Вятск губернаси (ҳозирги Киров области), Малмиж уездидаги Қуйи Тойма қишлоғида туғилди. Глазов шаҳридаги шаҳар билим юртини битиргач, турли шаҳарлардаги заводларда ишчи бўлиб ишлади. Ўшандан бўён революцион ҳаракатда актив қатнаша бошлайди. У атоқли адиб Максим Горькийнинг «Она» романидаги қаҳрамоннинг прототипи, П. А. Заломов раҳбарлигидаги тўгаракда қатнашиб, унинг таъсирида К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин асарларини қунт билан ўрганади.

1902 йилдан партия аъзоси бўлган атоқли революционер РСДРП II съездида В. И. Ленин йўлини тўла ҳимоя қилиб, оппортунистлар, меньшевикларга қарши чиқди ва большевистик позицияда қаттик турди.

Ефим Андрианович революцион ҳаракатда актив қатнашганлиги учун ишдан бўшатилди, кўп марта қувғинликка учради. Шундан кейин Бокуга кўчиб кетиб, у ерда ҳарбий-денгиз билим юртида таҳсил кўрди ва партия топшириғи билан Боку ишчилари ва денгизчилари орасида революцион ишни авж олдирди. Шу кезларда у В. И. Ленин билан учрашиш мақсадида чет элга жўнаб кетади, 1904 йилда Парижга келиб, меньшевикларга қарши муросасиз кураш олиб бораётган большевистик группада актив қатнашади. Сўнгра у Париждаги большевистик клубнинг секретарлигига сайланди ва Россияга большевистик адабиётлар жўнатишдек масъулиятли вазифани бажарди.

Биринчи рус революцияси йилларида ишчил ленинчи Ефим Андрианович Россияга қайтиб, Москва, Петербург ва бошқа шаҳарлардаги революцион курашларда актив иштирок этди. Бу фаолияти учун чор ҳукумати уни яна камоқлар ва сургунларга ҳукм қилди. Февраль буржуа-демократик революцияси ғалаба қозонгач, у сургундан Ижевск шаҳрига қайтиб келди. Е. А. Бабушкин 1917 йилда Ижевск большевикларининг делегати сифатида партиянинг VI съездида фаол қатнашади. Съезддан кейин партия уни маҳаллий аҳоли ўртасида партиявий ишларга раҳбарлик қилиш учун Туркистонга юборади.

1917 йил августида содиқ ленинчи партиянинг топшириғи билан Туркистон ўлкасининг йирик саноат шаҳарларидан бири бўлган Қўқонга бориб, у ерда большевиклар группасига раҳбар сифатида ишчи ва меҳнаткашларни Совет ҳокимиятини ўрнатишга сафарбар қилди. Қўқонда унинг таланти, жўшқин ғайрати авж олди. Унинг раҳбарлигида РСДРП-нинг Қўқон группаси тузилди. Шаҳар большевиклари Е. А. Бабушкин бошчилигида оммани социалистик революцияга тайёрладилар.

Тошкентда Совет ҳокимияти ғалаба қозонгач, бутун ўлкада социалистик революциянинг зафарли юриши бошланди. 1917 йил октябрида Қўқон Совети большевиклаша бошлади ва декабрь ойига келиб Е. А. Бабушкин раислигидаги большевиклар қўлига ўтди.

Ўлкада Совет ҳокимиятининг ғалабаси контрреволюциянинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Орадан бир ой ўтгач, буржуа миллатчилари, оқ гвардиячилар Туркистон «автономия»сини тузадилар. Ўлканинг, жумладан Қўқон шаҳрининг барча меҳнаткашлари бу «автономчилар»нинг ниятини дарҳол пайқаб олдилар. Тарихда «Қўқон мухторияси» деган машъум ном чиқарган бу контрреволюцион ташкилотни тор-мор этиш борасидаги ҳамма ишларга Е. А. Бабушкин бошчилигидаги шаҳар большевиклари раҳнамолик қилдилар. Ефим Андрианович ташаббуси билан Қўқон большевиклари ишчилар, қизил аскарлар, маҳаллий миллат меҳнаткашларини контрреволюцияга қарши кўтардилар. Худди шу кезларда Бабушкин ўзини ишчил курашчи, революциянинг довюрак рақибари сифатида кўрсатди. Ефим Андрианович илтимосига биноан Туркистон партия ва совет органлари Қўқонга Тошкент, Андижон, Скобелев, Перовск ва бошқа жойлардан Қизил армия қисмларини юбордилар. Е. А. Бабушкин бошчилигидаги партия ташкилоти раҳбарлигида Қўқонда контрреволюция ўтунлай тор-мор этилди. Шундан кейин, шаҳар партия ташкилоти хўжаликни қайта тиклаш юзасидан катта тадбирлар белгилади. Йирик хусусий корхоналар мусодара қилинди, шаҳар меҳнаткашларини озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш ва бошқа тадбирлар амалга оширилди.

Е. А. Бабушкин Қўқон шаҳар партия ташкилотига бошчилик қилар экан, бу ташкилотни ва шаҳар меҳнаткашларини ғоявий-ташкилий, сиёсий жиҳатдан тарбиялашга алоҳида эътибор берди. 1918 йил май ойида Қўқон шаҳар Советига янги сайлов ўтказилиб, Е. А. Бабушкин яна шаҳар Советининг раиси этиб тайинланди. У Туркистон Советларининг V съезди ва Туркистон Коммунистик партияси I съездининг делегати сифатида Туркистон АССРни ва Туркистон Коммунистик партиясини тузишда актив қатнашди.

Партия ўзининг синалган фарзандини 1918 йилда дипломатия ишига юборди. У Советлар мамлакатининг Эрондаги Бош консули этиб тайинланди. Лекин 1919 йилда Ефим Андрианович инглиз миссияси томонидан қамоққа олинди. Совет ҳокимиятининг тегишли тадбирлари туфайли 1921 йил май ойида озод этилди. Ватанига қайтгач, Советлар ишида фаол меҳнат қилди ва 47 ёшда — 1927 йилнинг 31 июлида Кисловодскда вафот этди.

Содиқ ленинчи Е. А. Бабушкин совет халқи, жумладан Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари қалбида абадий яшамоқда. Кисловодскда ўрнатилган ҳайкал, мамлакатимиз, жумладан республикамизнинг кўпгина шаҳарларида унинг номига қўйилган ҳайкал ва мактаблар революция рицари Ефим Андрианович Бабушкинга бўлган чексиз халқ меҳрининг рамзидир.

Қ. ҲАСАНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор,

Н. ҲАБИБУЛЛАЕВА,
Тошкент политехника институти КПСС тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхозида 300 гектарли боғ ташкил этилмоқда. Боғда нок, беҳи, бодом нўчатлари ва ток қаламчалари экилмоқда: Суратда: кўчатлар тарқатиш пайти.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ

ЯНГИ КЎЧАТЗОРЛАР

Янгиқўрғон район колхоз, совхозларида кузги кўчат ва ток қаламчалари ўтказиш ишлари кун сайин кучайтирилмоқда. Нанай, Задарё, Ҳамза номли, «Ўзбекистон», Мичурин номли совхозларда 500 минг туп мевали дарахт кўчатлари ва ток қаламчалари ўтказилиб, бу соҳадаги топшириқлар ошириб бажарилди.

Об-ҳавонинг қулай келган кунларидан яхши фойдаланиб боғлар ва токзорлар кенгайтирилмоқда. Район хўжаликларининг меҳнаткашлари бу соҳада намуна бўлмоқдалар.

— Хўжалигимиз янги ўн биринчи беш йилликда мевали боғ ва узумзорлар майдонини 1200 гектарга етказади, — дейди Мичурин номли совхоз директори И. Исоқов, — бунинг учун ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Боғбон ва соҳибкорларимиз Занг массивида ўзлаштирилган 200 гектар янги ерда мевали дарахт кўчатлари ўтказдилар. Яқин келажакда меҳнаткашларнинг мева ва узумга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун боғ ва токзорларни 2,5—3 баравар кенгайтиришга эришамиз.

Наманган областининг Чуст, Учқўрғон, Уйчи, Задарё ва Косонсой районлари хўжаликларида ҳам кузги кўчат ўтказиш ишлари қизғин давом этмоқда. Область меҳнаткашлари ҳозирга қадар 1 миллион тупдан кўпроқ хилма-хил ток ва мевали дарахт кўчатлари ўтказдилар.

Т. НАЗИРОВ.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Намангандаги 8-қурилиш бошқармасининг «Гулбоғ» совхози қурувчилари ўз олдиларига қўйилган ва белгиланган қурилиш, ремонт қилиш ишларини муддатидан илгари, ортиғи билан адо этмоқдалар. Қурувчилар йил давомида 50 ишчининг уй-жойини, 15 дала шийпони, 3 болалар боғчаси, 3 мактаб ва пионер лагерини капитал ремонтдан чиқардилар. Шундай қилиб, участка қурувчилари 95 минг сўм ўрнига 97 минг 600 сўмлик қурилиш ишларини бажардилар. Қурувчи ишчилардан М. Чезлова, В. Раҳмонова, Ҳ. Абдукаримов, Р. Аблякимов ўрнатқлар, айниқса намуна кўрсатиб ишламоқдалар.

Б. МАҲМУДОВ.

АХБОРОТ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

ҚУРИЛИШЛАР АВЖИДА

«Тахиаташэнергострой» бошқармасининг меҳнат коллективи ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунламоқда. Планда белгиланган сув иншоотлари, уй-жой, маданий-маиший объектлар қурилишлари белгиланган муддатларда битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Бошқарма қурувчилари сув иншоотларидан ташқари 126 ўринли меҳмонхона, 100 ўрандага мўлжалланган ресторан, 32 квартирали битта уй-жой, киностудия бинолари қурилишини декабрь ойида фойдаланишга топшириш учун ўзаро мусобақани тобора қизитиб ишлаётирлар.

МАИШИЙ ХИЗМАТ ЯХШИЛАНМОҚДА

Хўжайли районидаги Ленин номли колхозда фойдаланишга топширилган маиший хизмат кўрсатиш комплекс қабул пункти намунали ишлаётир. Унинг 60 та абонементи бор. Маиший хизмат кўрсатиш комплекси мастерларидан З. Бўронов, Р. Юсуповлар хизматидан кўпчилик мамнун. Пункт ҳузурида сартарошхона, кийим бичиш-тикиш, оёқ кийимлар тикиш ва тозалаш, телевизор ва радио ремонти цехлари ишлаб турибди.

Тикувчилардан Б. Ешниёзова, Л. Нуримбетова, Д. Ҳудойберганова, К. Отажонвлар смена нормаларини икки ҳиссадан бажариб, ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишламоқдалар.

САҲНАДА ЯНГИ АСАРЛАР

Ҳурмат Белгиси орденли К. Станиславский номли давлат драма, музика ва комедия театрининг ижодий коллективи яқинда ёш драматург Қ. Матмуродовнинг «Бир уйда икки ҳаёт» спектаклини саҳналаштирди. Бош ролни СССР халқ артисти Ойимхон Шомуротова ижро қилмоқда. Асар томошабинлар томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театрининг ижодий коллективи ҳам ўз репертуарини бойитиб бораётир. Театр коллективи Тажетдин Сейтжоновнинг тарихий-революцион мавзудаги «Нукус афсонаси» драмасини саҳнага қўйди. Бу драмани К. Станиславский номли давлат драма, музика ва комедия театрининг бош режиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти Нажметдин Ансетбоев саҳналаштирди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
34-ТОШКЕНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980—81 ўқув йилига қуйидаги ихтисосликлар бўйича
ҚУШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

асбобсоз-слесарь, саноат ускуналари ремонти ва улардан фойдаланиш бўйича электромонтёр, универсал токарь, интеграл микросхемалар йиғиш (қизлар қабул қилинади), **ярим ўтказгичларни йиғиш** (қизлар). **иккиламчи коммуникациялар халқаларини монтаж қилувчи электр монтажчилар** (қизлар), **электр машиналари ва аппаратларини йиғиш** (қизлар), **чизмачи-конструктор, техника контроли бўлими контролёрлари, радиоаппаратураларни йиғувчилар.**

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 15 дан 25 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — ихтисосига қараб 1, 2, 3 йил.

8-синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинганлар 4 маҳал бепул овқат, кундалик ва дам олиш кунлари кийиладиган кийим-кечаклар билан таъминланадилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида маошларининг бир қисмини оладилар. Совет Армияси сафидан запасга бўшатилган йигитларга 60 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

8-синфни тамомлаган ўқувчилар касб билан бирга ўрта маълумот ҳам оладилар. Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида «Электроаппарат» корхоналари базасидаги электромеханика техникумининг филиалида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Ўқишни аъло баҳоларда тамомлаганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қирадилар.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртида «фотон» вокал-чолғу ансамбли, драма, хор, фото тўгараги, техника тараққиёти тўгараги, «электрон» ҳаваскорлар киностудияси, спорт секциялари ишлаб тирибди.

Бизнинг адрес: 700105, Тошкент шаҳри, Ленин райони, Манжара кўчаси, 137-уй (22, 55-автобусларнинг «Электротехника» заводи» бекати); 76, 12, 26, 37, 52, 68-автобусларнинг «Қорасув» бекати). Телефонлар: 91-69-64, 91-65-68.

«ГИДРОСПЕЦСТРОЙ» бутуниттифоқ бирлашмасининг
ЎЗБЕКИСТОН МАХСУС БОШҚАРМАСИГА
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИДАГИ ҲИСОРАК ОБЪЕКТИДА ЕРОСТИ ШАРОИТИДА ИШЛАШ УЧУН

ер қазувчилар, бетончилар, слесарь-монтажчилар, электриклар, газ-электр пайвандчилар, пневмозарбли, шарошъели бурғулаш бўйича бурғуловчилар

КЕРАК

Шунингдек, ихтисосга эга бўлмаган ёшлар ва Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар таклиф қилинади.

Бошқарма ишчиларга бевосита иш жойининг ўзида ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда Можайск шаҳридаги доимий курсларда малакасини ошириш имконини беради. Олий ўқув юртлари ва техникумларга кириб ўқиш учун йўлланмалар берилади.

Бир йил ичида иш жойидан квартира, иш ҳақига қўшимча равишда тариф ставкасининг 35 процента миқдорида поёс коэффициенти ва ишнинг қўчма характери учун 30 процент ҳақ тўланади. Меҳнат отпускаси—30[36 иш кунидан, иш куни 6 соатдан иборат. Кўп йил ишлаганлик учун ҳақ тўланади.

Малакали мутахассислар уч йиллик иш стажидан сўнг чет эл объектларига ишлашга Энергетика министрлиги системасида ва Бутуниттифоқ бирлашмасининг, бошқа бўлинмаларига ишга ўтиш имконияти бор.

Бизнинг адрес: Ўзбекистон ССР, Қашқадарё область, Шаҳрисабз райони, Мироқи посёлкаси, «Гидроспецстрой».

Справкалар учун телефон: 62-29-21.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/XII да **Келинлар қўзғолони**, 28/XII да **Нодирабегим** (12.00).

●

ВЦСПСнинг «Ҳурмат Белгиси» орденли Бутуниттифоқ марказий меҳнатни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институтининг
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория мудири: саноат акустикаси.

лаборатория катта илмий ходимлари: техника хавфсизлиги (2 ўрин, биттаси фан кандидати, биттаси илмий даражасиз), саноат вентиляцияси (илмий даражасиз).

КОНКУРС МУДДАТИ— ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: 700109, Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 37-уй (10, 28, 34, 49-автобусларнинг «Медгородок» бекати). Телефон: 46-66-02.

●

Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Олти ойлик тайёрлов курсларига 8 ва 10-синф ҳажмида маълумотлилар ҳамда кундузги мактабларнинг 8—10-синфларида ўқиётганлар қабул қилинади.

Курсларга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: техникум директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (кундузги мактаб ўқувчилари учун ўқиш жойидан справка).

Ҳужжатлар 2-қават 205-хонада, ҳар куни соат 14.00 дан қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 12-уй, телефон 33-89-23.

Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг
ВЛКСМ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ БУХОРО РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

токарлар ва уларга шогирдлар, қурувчилар, пайвандчилар, слесарлар, электриклар, бошлиқ ва катта инженер, инженер-конструкторлар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай. Кичик онгаликлар ва ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар. 2—3 йил давомида квартира берилади.

Мурожаат учун адрес: 705013, Бухоро шаҳри 2-уй, Телефон 3-45-39.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Биохимия институти.нинг коллективи институт директори, биология фанлари доктори Т. Соатовга отаси
Соат ЗУФАРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети коллективи бўлим бошлиги, 1952 йилдан буён КПСС аъзоси, Улуг Ватан уруши қатнашчиси
Ҳикмат МУҲАММАДЖОНОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника институти ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари катта ўқитувчи, техника фанлари кандидати Н. З. Зайнутдиновга онаси
Мунаввар ЗУФАРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент давлат маданият институти коллективи институтнинг катта ўқитувчиси, кутубхоначилик факультети деканининг ўринбосари, педагогика фанлари кандидати А. А. Келгановга онаси
Ҳабиба РИЗАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ҚАРДОШ САНЪАТКОРЛАР — ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

«ВОРОНЕЖ ҚИЗЛАРИ»

Бу санъаткор қизларни республикамизда яхши билишади. Улар Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюриб, ўзларининг ижрочилик маҳоратларини намойиш этишган, рус халқ тароналарининг янгроқ овозини таратишган. Айни вақтда машҳур совет композиторларининг сўнгги йилларда яратилган ва санъат мухлислари томонидан қизғин кутиб олинган қатор ажойиб куй ва қўшиқларини Ўзбекистонга совға сифатида олиб келишган. Мана, улар бу гал ҳам республикамизга янги қўшиқлар, куйлар, рақс ва ҳажвий номерлар билан ташриф буюришди.

Воронеж қизларининг устози, ансамблнинг бадиий раҳбари Юрий Романов шундай ҳикоя қилади:

— Биз мамлакатимизнинг жуда кўп шаҳарларида, Бутуниттифоқ қурилишларида концертлар бергамиз. Чет элга ҳам сафарга чиққанмиз. Аммо, биз учун Ўзбекистонга қиладиган гастроль ниҳоятда завқли ва илҳомбахшдир. Биринчидан, бу ерда бизни ҳамма вақт илиқ кутиб олишади, концертларимизнинг муваффақиятли ўтишига ҳар томонлама ёрдам берилади. Иккинчидан эса Ўзбекистонда ансамблимизнинг ихлосмандлари кўп. Улар билан учрашганимизда, бизни орзиқиб кутишганини айтишади. Шубҳасиз, бундай ғагларни эшитиш ҳар қандай санъаткорга, ҳар қандай ижодий коллективга илҳом бағишлайди.

Биз бу галги ижодий сафаримиз репертуарига рус фольклоридан намуналар, В. Левашов, Н. Никитин, В. Темнов каби таниқли совет композиторларининг, Г. Ставонин, Ю. Воронцов сингари воронежлик композиторларнинг сўнгги йилларда яратган асарларини киритдик. Репертуаримизда мухлисларимиз томонидан илиқ кутиб олинадиган рақс ва ҳажвий номерлар ҳам бор.

Ансамблимиз тузилганига ўн беш йил бўлди. У Бутуниттифоқ ва халқаро конкурсларнинг лауреатидир. Ансамблимиз солистларари орасида РСФСРда хизмат кўрсатган учта артист бор. Булар — Антонина Лихолетова, Александра Гончарова ва Анна Ковригина.

— Айтинг-чи, — сўрадик Юрий Романовдан, — Қашқадарё, Жиззах чўлқуварлари, ҚҚАССР совхозларида берилган концертлар сизнингча нимаси билан характерлидир?

— Жудаям ўринли савол бу. Биз гастролда бўлар эканмиз, «Ўзбекистон чўлқуварлари марши» қўшиғини яратдик. Бу коллективимиз ижодида, хаётимизда унутилмас воқеадир. Ишончимиз комилки, ўзбекистонлик қардошларимизнинг илҳомбахш меҳнати, жасорати кейинчалик ҳам бизга янги-янги қўшиқлар ҳадя этади.

Ўзбекистон қурувчилари, мелиораторлари, деҳқонлари «Воронеж қизлари» вокаль ансамблига ижодий ютуқлар тилайдилар.

А. СТЕПАНОВ.

Биринчи сентябрда илк бор мактаб остонасига қадам қўйган ўғил-қизларимиз эндиликда ҳарф таниб, ёзишни ҳам ўрганиб олдилар. Республикамиз мактабларида ана шу воқеага бағишлаб Алифбе байрамлари ўтказилмоқда. Суратда: Тошкентдаги 59-мактабда ўтказилган шундай байрам қатнашчиларидан биринчи синф ўқувчилари Лобар Абдураҳмонова билан Гулчеҳра Исломова.

Ш. Алимов ва Б. Юсупов фотоси (ЎзТАГ).

ДОРИ-ДАРМОН СОВХОЗИ

В. И. Ленин номли Поп аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасида барпо этилган ихтисослаштирилган янги совхоз Абу Аги ибн Сино номи билан аталди. Бу ердаги 3 минг гектар ерда 11 хил доривор ўсимлик етиштирилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника боғининг олимлари хўжалик меҳнаткашларига катта ёрдам кўрсатдилар. Улар шу зона учун доривор ўт-ўлан турларини танлаб бердилар ва уларни парвариш қилиш агротехникасини тавсия қилдилар. (ЎзТАГ).

СПОРТ

ВОЛЕЙБОЛ:

УСТОЗНИ МАМНУН ЭТИБ

Тошкентнинг «Автомобилист» қизлар командасининг устози Адади Израилов СССР спорт комитети коллегиясининг қарорига мувофиқ «СССРда хизмат кўрсатган тренер» унвонига лойиқ кўрилди. Волейболчиларимиз устози ажойиб олимпиадачилар ҳамда СССР терма командасига муносиб номзодлар тарбиялашдаги хизматлари учун ана шундай унвон билан тақдирланди. «Автомобилист» қизлари эса Одессада давом этаётган мамлакат чемпионатининг биринчи давра иккинчи тур ўйинларини муваффақиятли бошлаб кетма-кет ғалаба билан устозларини мамнун этдилар. Волейболчиларимиз «Кировец» (3:1), ЦСКА (3:0) командаларидан устун келиб, очколарини 5 тага етказдилар ва пешқадамлар сафидан жой олдилар.

СУВ ТЎПИ:

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Тошкентдаги Митрафанов номли сув спорти саройида олий лига командаларидан 6 нафари мамлакат чемпионатининг дастлабки тур ўйинларини ўтказдилар. Олмаоталик динамочилар Минск жисмоний тарбия институти студентларидан 12:5 ҳисобида устун келишган бўлишса, Ҳарбий денгиз флоти марказий спорт клуби эса «Москвич» командасини 6:3 ҳисобида енгди. Тошкентнинг «Меҳнат» командаси биринчи учрашувда тбилисилик динамочилар билан куч синашиб 5:4 ҳисобида муваффақият қозонди.

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР.

△ **ХОККЕЙ.** «Бинонор» — «Дизелист» командалари такрорий учрашувида 2:3 ҳисоби қайд қилинди.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Севимли шеърлар. 10.35 — Код номи Жанубий момақалдироқ. Бадиий фильм. 1-серия. 11.40 — Концерт. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.15 — Уфқ. 16.50 Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 17.10 — Маша ва Витанинг янги йил саргузаштлари. Бадиий фильм. 18.35 — Жасорат. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Проблемалар, изланишлар ва ечимлар. 20.25 — Код номи Жанубий момақалдироқ. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Эрмитаж. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Кинопанорама

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Қўғирчоқ фильм. 12.00 — Санъат ғунчалари. 12.35 — Ҳужжатли фильм. 13.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 13.30 — Оловли йўллар. Бадиий фильм. 8-серия. 14.40 — Ёзувчи ва замон. 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.35 — Ёшлик. 19.10 — КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съезди ва партия ташкилотлари ҳақидаги лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Халқ контроли. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Совринимиз — энг яхши механизаторлар.га. 21.30 — «Время». 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Катта меҳнат ғалабангиз билан, тожик дўстлар.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Немис тили 20.55 — Назарий механика. 21.55 — Қонун қўриқчилари. 22.25 — Сув полоси бўйича СССР чемпионати. 22.50 — Музикали фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ДАСТУР. 8.30 — Б. Давидова ва М. Каримов ижро этади. 9.35 — З. Ҳонларова концерти. 12.10 — Ўзбекистон индустриальний. 13.00 — Чорва қишловини боришини текширамиз. 14.00 — Беш йилликка зарбдор якун. 18.15 — КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини муҳокама қиламиз. 18.25 — Юность Ўзбекистана. 19.25 — Дўстлик ҳақида қўшиқлар. 21.15 — Районнинг янги марралари. 21.25 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Ҳужжатли радиопьеса. 23.15 — Куйлар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70; халқаро ҳаёт — 32-54-18; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-15; фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02462. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 294. 4